



«YANGI O‘ZBEKISTONDA ERKIN VA FAROVON YASHAYLIK!»

VATAN – MUQADDAS, UNI HIMOYA QILISH SHARAFLI BURCHDIR!



www.mv-vatanparvar.uz



vatanparvar09@mail.ru



Gazeta 1992-yilning 24-iyunidan chiqa boshlagan

VATANPARVAR



Saytimizga o'tish uchun QR-kodini skaner qiling.



XXXII YOZGI OLIMPIADA O‘YINLARI

“Tokio – 2020” yozgi Olimpiya o‘yinlarida sportchilarimiz 3 ta oltin va 2 ta bronza medalni qo‘lga kiritdi. Umumjamo’a hisobida O‘zbekiston 206 mamlakat orasida 32-o‘rinni, MDH mamlakatlari orasida ikkinchi, Markaziy Osiyo mintaqasida birinchi o‘rinni egalladi.



▶▶ 12-13

O‘ZBEKISTON



▶▶ 4-5

ROSSIYA



Qo‘shma o‘quvlari muvaffaqiyatli o‘tdi

Mudofaa vazirligi tizimiga oid so‘nggi yangiliklar bilan quyidagi manzillar orqali tanishing:



t.me/mv_vatanparvar_uz
t.me/mudofaa_press



facebook.com/UzArmiya



instagram.com/uzbekistanarmy



www.youtube.com/c/UzArmiya

2021-yil 13-avgust, №32 (2939)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

КАМ ТАЪМИНЛАНГАН ОИЛАЛАРГА МОДДИЙ ЁРДАМ КЎРСАТИШ ҲАМДА КАМБАҒАЛЛИК БИЛАН КУРАШИШ КЎЛАМИНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Бола тарбиялаётган оилаларни қўллаб-қувватлаш тизимининг самарадорлигини ошириш, ижтимоий ҳимоя ва кўмакка муҳтож оилалар моддий таъминотини кучайтириш, эҳтиёжманд оилаларни аниқлашда умумэтироф этилган халқаро стандартларни ва автоматлашган шаффоф электрон баҳолаш механизмларини жорий этиш орқали нафақаларни тўлаш тизимини болалар салоҳиятини ривожлантириш ва камбағалликни қисқартиришга қаратиш мақсадида:

1. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ **2021 йил 1 сентябрдан** бошлаб:

а) 14 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақа ҳамда бола 2 ёшга тўлгунга қадар уни парвариш қилиш нафақаси ўрнига **кам таъминланган оилаларга болалар нафақаси** (кейинги ўринларда – болалар нафақаси) жорий этилади. Бунда, болалар нафақасини тайинлашда:

инобатга олинган болалар ёши 14 ёшдан 18 ёшгача оширилади;

тўлов муддати 6 ойдан 12 ойгача оширилади;

унинг миқдорини оиладаги болалар сонидан келиб чиқиб белгилаш тартиби қўлланилади;

б) **якка-ёлғиз бўлган фуқароларга, фарзанди бўлмаган** ёки барча фарзандлари 18 ёшдан катта бўлган кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам тайинланади.

2. **2021 йил 1 сентябрдан** бошлаб болалар нафақаси ва кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам тўловларининг куйидаги миқдорлари белгилансин:

а) болалар нафақасининг ҳар ойлик миқдори:

250 000 сўм – 3 ёшдан 18 ёшгача бўлган битта фарзанди учун, **325 000 сўм** – ёши 3 ёшгача бўлган битта кичик фарзанди учун;

150 000 сўм – оиланинг иккинчи фарзанди учун қўшимча;

100 000 сўмдан – оиланинг учинчи ва ундан кейинги ҳар бир фарзанди учун;

б) кам таъминланган оилалар учун моддий ёрдамнинг ойлик миқдори – **380 000 сўм**.

Бунда, 2021 йил 1 сентябрга қадар тайинланган 14 ёшгача болалари бўлган оилаларга

нафақа, бола 2 ёшга тўлгунга қадар уни парвариш қилиш нафақаси ҳамда кам таъминланган оилаларга моддий ёрдамни тўлаш муддатлари тугагунга қадар, **мазкур турдаги нафақалар ва моддий ёрдамнинг амалдаги миқдорлари ҳамда уларни тўлаш муддатлари сақлаб қолинади**.

3. Молия вазирлиги 2021 йил якунига қадар болалар нафақаси ва моддий ёрдам олувчи кам таъминланган оилалар сонининг ўртача **20 фоизга ошишини** ҳисобга олган ҳолда **2021 йилда ушбу чора-тадбирларни молиялаштиришга бюджетдан қўшимча маблағ ажратсин** ҳамда **Давлат бюджетининг 2022 йилдаги параметрларини** шакллантиришда мазкур Фармоннинг амалга оширилиши билан боғлиқ харажатларни назарда тутсин.

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ **2021 йил 1 октябрдан** бошлаб, «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизими орқали кам таъминланган деб эътироф этилган оилалар ва шахслар тўғрисидаги маълумотлар манфатдор вазирлик ва идораларга «**Электрон ҳукумат**» тизими идоралараро интеграциялашув платформаси орқали тақдим этилади.

Молия вазирлиги (Т.Ишметов) Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш.Садиков) билан биргаликда «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизими маълумотлар базасидаги кам таъминланган деб эътироф этилган оилалар ва шахслар тўғрисидаги маълумотлар вазирлик ва идораларга «Электрон ҳукумат» тизими идоралараро интеграциялашув платформаси орқали тақдим этилиши ҳамда ахборот алмашинувининг самарали ишлашини таъминласин.

5. Молия вазирлиги (Т.Ишметов) Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (И.Норқулов), Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги (Р.Маматов), Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Н.Хусанов) билан биргаликда **2021 йил 20 августга** қадар куйидагиларни назарда тутувчи **Ҳукумат қарори лойиҳаларини** Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

кам таъминланган болали оилаларга нафақани ҳамда кам таъминланган оилаларга моддий

ёрдамни тайинлаш ва тўлаш тартиби;

минимал истеъмол харажатлари қийматини ҳисоблаш тартиби.

6. Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги ушбу Фармон мақсади, вазифалари ва бундан кутилаётган натижаларни оммавий ахборот воситалари, Интернет ва ижтимоий тармоқларда кенг ёритиш ишларини ташкил қилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига 1-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатлари 2-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

9. Молия вазирлиги бир ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлиф киритсин.

10. Мазкур Фармоннинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб молия вазири **Т. А. Ишметов** ҳамда иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирининг биринчи ўринбосари **И. И. Норқулов** белгилансин.

Фармон ижросини муҳокама қилиб бориш, масъул ижрочи ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари **Ж. А. Қўчқоров** зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентига **2021 йил 1 ноябрь** ва **2022 йил 1 апрелга** қадар ахборот берилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2021 йил 11 август
(ЎЗА)

Э'тироф

9 август куни «Токио – 2020» ёзги Олимпия ўйинларида иштирок этган спорт делегациямиз Ватанимизга қайтиб келди. Уларни кутиб олиш жараёни тантанали руҳда кечди.

Токио спорт майдонларида юртимизни шарафлаган спортчиларимиз карнай-сурнай садолари остида, қахрамонларга гуллар тақдим этилиши билан кутиб олинди. Тошкент аэропортининг кенг майдонида ташкиллаштирилган маросимда сўзга чиққанлар XXXII ёзги Олимпияда ўйинларида спортчиларимиз катта матонат кўрсатганликларини таъкидлашди ва халқимиз номидан уларга миннатдорлик билдирилди. Юртни улуғловчи куй-қўшиқлар янграши, айниқса, Ватанимиз мадҳияси Тошкент халқаро аэропортида жамланган спортчилар, уларнинг ота-оналари, мураббий-

ЎЗИГА ХОС СПОРТ БАЙРАМИ



лар ва кенг спорт жамоатчилиги томонидан жонли ижро этилиши тантанали тадбирни ҳақиқий спорт байрамига айлантириб юборди.

Шундан сўнг олимпиячиларимиз аэропортдан Миллий Олимпия қўмитаси томон Бобур, Нукус, Ойбек, Ш.Рашидов, И.Каримов кўчалари ва Амир Темур хиёбони бўйлаб Ўзбекистон байроқлари билан безатилган икки қаватли махсус автобусларда сайрга чиқишди. Кеч тун бўлишига қарамай, олимпия

майдонида Ватан шаънини улуғлаганларни халқимиз, минг-минглаб ёш спортчилар йўл четида турнақатор бўлиб қаршилашди, қарсақлар чалиб қутлашди.

Миллий Олимпия қўмитасида XXXII ёзги Олимпиада ўйинларида зафар кучган спортчиларимизни тақдирлаш маросими ўтказилди. Токио спорт майдонларида медалларга мушарраф бўлган ҳар бир спортчимизга Ўзбекистон Республикаси Президентининг

совғалари – енгил автомашина ва уй-жой калити тантанали равишда топширилди.

Музаффар спортчиларимизни кутиб олиш ва тақдирлаш маросимларида Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А. Абдувохитов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Арипов иштирок этди.

III даражали сержант
Олимжон БЕРДИЕВ

Сўнги йилларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг бевосита раҳбарлигида, Мудофаа вазирлиги раҳбариятининг чинакам ташаббуси ва қатъий сиёсий иродаси билан вазирлик тизимидаги барча соҳаларда изчил ислоҳотлар олиб борилди ва амалий натижаларга эришилди.

Айниқса, 2017 – 2021 йилларда Мудофаа вазирлиги қўшинларида ҳарбийлар ва ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида ва маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш ишлари янги сифат босқичига кўтарилганини алоҳида эътироф этиш мумкин.

Хусусан, 2017 йилда Қуролли Кучларда ёшларга оид давлат сиёсати самардорлигини янада ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар белгиланиб, унга кўра **қўшинларда Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг бошланғич ташкилотлари ташкил этилгани** армиядаги ёшларни ягона эзгу мақсад сари бирлаштирди, ёш ҳарбий хизматчиларни жамиятдаги тинчлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш жараёнларига кенг жалб қилиш, интеллектуал ва ижодий салоҳиятларини рўёбга чиқаришга имконият яратди.

Ёшларимизда қатъий ҳаётий позиция ва Ватан тақдири учун юксак

Янги Ўзбекистон армиясида тарбиявий ишларнинг такомиллашуви: ислоҳотлар ва натижалар

алоҳида эътироф этиш зарур.

Шуни таъкидлаш лозимки, 2018 йилда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари тизимида маънавий-маърифий ишлар самардорлигини ошириш концепцияси**» ҳарбий хизматчиларнинг маънавий дунёси ва интеллектуал салоҳиятини юксалтиришда кенг жамоатчилик учун ҳарбий қисм ва муассасалар эшигини очиб берди, армиядаги маънавий-маърифий ишларни бутунлай янги сифат босқичига кўтарди.

Бинобарин, мазкур концепция билан қўшинларда олиб бориладиган маънавий-маърифий ишларнинг ягона – «**Ватан – муқаддас, уни ҳимоя қилиш шарафли бурчдир!**» деган концептуал ғояси белгилаб берилди ҳамда тарбиявий ва мафкуравий ишларнинг бой тарихимиз, миллий қадрият ва аънаналаримизга асосланган яхлит янги тизими яратилди.

Шунингдек, қўшинларда тарбиявий ва мафкуравий ишлар органлари, ҳарбий психолог ва етакчи социологлар институти, ҳарбий қисм командирининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича маслаҳатчиси лавозимлари, вазирликнинг Маънавият ва маърифат маркази ҳузурида «Турон» ҳарбий давлат театри ташкил қилинди ҳамда кенг жамоатчилик билан қўшинларда

яратилиб, мустақиллик йилларида фойдаланиб келинган «Ҳарбий қасамёд» матни ўрнига буюк тарихимиз, улуғ аجدодларимиз жасорати ва миллий руҳиятни ўзида мужассам этган янги тахрирдаги «Ватанга қасамёд» матни тасдиқланди. Бу эса, ҳарбийлар ва ёшларда миллий ва жанговар руҳиятни оширишга хизмат қилмоқда.

Айниқса, 2020 йилда пойтахтимиз Тошкент шаҳрида тарихчи олимлар, ижодкор зиёлилар ва кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда «Ғалаба боғи» ёдгорлик мажмуаси ва унинг таркибида «Шон-шараф» музейининг бунёд этилгани аҳоли ва ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш борасидаги имкониятларимизни янада оширди.

Шулар қаторида, вазирликнинг ҳарбий маданият ва санъат бўлинмалари фаолиятини ижодий ва ижтимоий қўллаб-қувватлашини ташкилий ва ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаш билан бирга, ҳарбий ансамбль ва оркестр фаолияти янги таркибда қайтадан ташкил этилди, уларнинг моддий-техник таъминоти ва самарали фаолияти йўлга қўйилди.

2020 – 2021 йилларда армиямиз ёш авлодни ватанпарварлик, она юртга меҳр ва садоқат руҳида тарбиялашга, айниқса, уюшмаган ёшлар билан манзилли ишлашга фаол киришганини алоҳида

Шу билан бирга, ёшларнинг ҳарбийлик касбига интилиши кучайиб, «Темурбеклар мактаби» ва олий ҳарбий билим юртига ўқишга киришни, муддатли ва контракт бўйича ҳарбий хизмат ўташни хоҳловчилар ҳамда кўнгилли отрядлар ва жамоатчилик гуруҳларида қатнашувчилар сони сезиларли даражада ошди.

Шу билан бирга, бугунги кунда **ҳарбий хизматчиларда миллий ва жанговар руҳиятни ошириш, жамиятимиз ёшларининг ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясини юксалтириш** янада долзарб аҳамият касб этмоқда. Шуни инобатга олиб, қўшинларда тарбиявий ва мафкуравий ишларни янада такомиллаштириш ҳамда соҳадаги изчил ислоҳотларни давом эттириш мақсадида яқин истиқболда **қуйидаги тизимли ишларни**, жумладан:

1) қўшинларда ҳарбий хизматчиларнинг маънавий савияси ва жанговар руҳиятини ошириш орқали Қуролли Кучларнинг жанговар қудратини юксалтиришга ўта муҳим вазифа сифатида эътибор қаратишни, бунинг учун қўшинларга ёзувчи ва шоирлар, маънавиятчи ва тарихчилар, фан, маданият ва санъат арбоблари, ижодкор зиёлиларнинг кенг кириб келишини ташкил этишни;

2) ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишларини янада кучайтириш, жамиятда ҳарбийлик касбига ҳурмат ва ҳарбий хизмат нуфузини ошириш мақсадида Мудофаа вазирлиги ҳузурида «Ватан ўғлони» болалар ва ўсмирлар ҳарбий-ватанпарварлик ҳаракатини ташкил этишни;

3) мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий ва мафкуравий ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда ҳар йили алоҳида ғоя асосида ҳудудлар кесимида ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш бўйича комплекс дастур қабул қилиш ва уни самарали ижро механизмини йўлга қўйилишини тизимга солишни амалга оширишни зарур деб ҳисоблаймиз.

Биз, тарбиявий ва мафкуравий ишлар органи офицерлари армиядаги маънавий-маърифий соҳада бошланган ва давом эттирилаётган ислоҳотларни бир ёқадан бош чиқариб, бир-биримизга елкадош бўлиб, албатта, охирига етказамиз. Бунинг учун барча куч ва имкониятларимизни амалий ҳаракат ва натижадорликка қаратамиз.

**Подполковник
Зоҳиджон ИСАКОВ,
Мудофаа вазирлиги
Тарбиявий ва мафкуравий
ишлар бош бошқармаси
бўлим бошлиғи**



масъулият туйғусини шакллантиришнинг муҳим аҳамияти ҳисобга олиниб, 2018 йилда «**Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш концепцияси**» тасдиқланди ва шу даврдан эътиборан, мамлакатимизда мактабгача таълим муассасасидан бошлаб, олий ўқув юртиларигача, шунингдек, маҳалла ва ташкилотларгача қамраб оладиган ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси тизимининг тўлақонли фаолияти йўлга қўйилди.

Шу ўринда, Мудофаа вазирлиги мамлакатимиз аҳолисини, айниқса, ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, давлат ва жамоат ташкилотларининг бу йўналишдаги фаолиятини мувофиқлаштириш ишларида етакчи давлат институтига айланганини

ҳафтанинг ҳар жума кунини Маънавий юксалиш ва ватанпарварлик кунини сифатида ўтказилиши тизимга солинди.

Шу билан бирга, 2019 йилда «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ахлоқий-руҳий таъминот концепцияси»нинг тасдиқланиши Қуролли Кучлар ҳарбий хизматчиларида мавжуд хавф-хатарларга нисбатан муносиб жанговар руҳиятни шакллантириш, салбий ахборот-психологик хуружларга қарши мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлаш ва шахсий таркибни жанговар шароитга психологик жиҳатдан тайёрлаш тизимини яратишга имкон берди.

Қайд этиш жоизки, 2019 йилда қўшинлардаги тарбиявий ва мафкуравий ишлар йўналишида яна бир муҳим таъсирчан механизм

қайд этиш зарур. Бу борада, йил бошидан ҳудудлар бўйича аҳоли ва ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларнинг фуқаролик позицияларини кучайтиришга қаратилган комплекс чора-тадбирларни қабул қилиш ишлари тизимга солинди.

Миллий армиямиз ҳарбийларини ҳамда жамиятимиз ёшларини маънавий-ахлоқий ва ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясини юксалтириш бўйича амалга оширилган тизимли ишлар натижасида ҳарбий хизматчиларда хизматга бўлган муносабат тубдан ўзгарди, уларда ташаббус кўрсатиш ва касбий маҳоратни оширишга интилиш, ўз қуроли, техникаси ва бўлинмасига нисбатан эгаллик ҳиссиёти кучайди, қўшинларда ҳарбий интизом мустаҳкамланди.

"JANUB – 2021"

Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси Мудофаа вазирликлари томонидан икки давлат ўртасидаги ҳарбий мақсадга мўлжалланган ҳамкорлик режасига мувофиқ, «Термиз» округ дала-ўқув майдонида биргаликдаги ўқув машғулотлари бўлиб ўтди.



ЎЗБЕКИСТОН



Ўқувнинг асосий мақсади икки давлат ҳарбий бошқарув органларининг ҳамкорлик тизимини такомиллаштириш, хавфсизликни таъминлаш масалалари юзасидан тажриба алмашиш кабилардан иборат.

«Термиз» дала-ўқув майдонидаги машғулотлар икки мамлакат ҳарбий хизматчиларининг ҳамкорликдаги қизгин тайёргарликлари остида бошланди. Бўлинмалар дастлаб мажмуавий махсус-тактик машқ йўлаги, жумладан, муҳандислик, турли сунъий ва сувли тўсиқлардан ўтиш, жараёнда нишонга ўқотар қуроллардан отиш, арқон ёрдамида тўсиқлардан ўтиш, қўл жанги ва бошқа машқларни бажаришди. Жараёнлар давомида тутун ёрдамида ниқобланиш, қурол-аслаҳалар тавсифи, тоғ тайёргарлиги, эвакуация каби машқлар ҳам ўзига хос тарзда ўтди.

Дастлаб ўқув-йиғин иштирокчилари режага мувофиқ, Сурхондарё вилоятининг тарихий ва диққатга сазовор жойларига ташриф буюрди. Хусусан, Археология давлат музейи, Тарих ва маданият музейи, сурхон этномаданиятини ўзида акс эттирган мажмуалар меҳмонларда катта таассурот қолдирди. Шунингдек, футбол, волейбол, тош кўтариш бўйича гуруҳлар ўз имкониятини синаб кўришди. Очик осмон остида ўтган концерт дастури куй-кўшиқлар, ўзбек миллий таомларини тайёрлаш ва бир қатор қизиқарли шартлардан иборат маданий дастурлар барчага юқори кайфият бахш этди.

Ва ниҳоят, ўқувларнинг асосий куни аввалида Россия Федерацияси мудофаа вазирининг биринчи ўринбосари – Қуролли Кучлар Бош штаби бошлиғи армия генерали В. Герасимов бошчилигидаги ҳарбий делегация Ўзбекистонга ташриф буюрди.

Учрашувларда делегация раҳбари билан икки томонлама ҳарбий ва ҳарбий-техник ҳамкорлик





вазият ҳар томонлама баҳола-
ниб, душманни яқсон қилиш
мақсадида биргаликдаги опе-
рация ўтказиш бўйича қарор
қабул қилинди.

Қарорга асосан, икки давлат
бўлинмалари ҳамкорликда тур-
ли тактик ҳаракатларни амалга
ошириб, белгиланган ҳудуд ва
ҳимоя чизиғини эгаллашди.
Шундан сўнг, душманга авиа-
ция, артиллерия, зирҳланган
жанговар техникалар ва барча
турдаги ўт очиш воситалари
ёрдамида аёвсиз зарбалар
берилиб, уларнинг куч тузил-
малари бутунлай йўқ қилинди.

Реал жанг шароитига яқин
тарзда ўтказилган ўқув даво-
мида бўлинмалар иссиқ ҳаво
ва ностандарт шароитларга
қарамасдан, елкама-елка тур-
риб, қўйилган вазибаларни
муваффақиятли бажаришга
эришишди. Бу эса икки давлат
ҳарбийлари учун ўзаро тажри-
ба алмашиш, уларнинг амалий
билим ва профессионал кўник-
маларини ошириш, энг муҳими,
ўзаро дўстлик алоқаларини
янада мустаҳкамлашга хизмат
қилади.

Ўқув якунида тантанали
тақдирлаш маросими ўтка-
зилиб, унда машғулотларда
фаол қатнашган икки мамлакат
ҳарбий хизматчилари муносиб
рағбатлантирилди.

**Лейтенант
Бобур ЭЛМУРОДОВ,
«Vatanparvar»**

РОССИЯ

қўшма ўқувлари муваффақиятли ўтди



масалаларининг жорий ҳолати
ҳамда истиқболлари, минтақавий
хавфсизлик масалалари муҳокама
этилди. Ҳарбий таълим, ҳамкорлик-
даги ўқувлар ва тренинглари, жан-
говар тайёргарлик йўналишларида
ўзаро тажриба алмашиш масала-
лари кўриб чиқилди. Шунингдек,
Россия делегацияси ташриф даво-
мида Тошкент шаҳридаги «Ғалаба
боғи» ёдгорлик мажмуаси билан
ҳам яқиндан танишди.

6 август куни делегация ва-
киллари «Термиз» полигонига
Ўзбекистон – Россия ҳамкорлиги-
даги ўқувларнинг фаол босқичи
ва тантанали ёпилиш маросимида
иштирок этиш учун етиб келишди.

Ўқувларни Ўзбекистон Респуб-
ликаси мудофаа вазирининг бирин-
чи ўринбосари – Қуролли Кучлар
Бош штаби бошлиғи генерал-майор
Шухрат Халмухамедов ҳамда Рос-
сия Федерацияси мудофаа вази-
рининг биринчи ўринбосари – Қу-
ролли Кучлар Бош штаби бошлиғи
армия генерали Валерий Герасимов
бевосита кузатиб борди.

Дастлаб икки давлат ҳарбийла-
ри ўқув режасига асосан биргалик-
да, шартли ноқонуний қуроолланган
жангари тўдаларни турли шароит-
ларда зарарсизлантириш бўйича
махсус операция ҳаракатларини
олиб боришди. Ўқув режасига кўра,
Давлат чегарасини бузиб кириб,
кейинчалик ҳудуднинг аҳоли яшаш
пунктларидан бирига жойлашиб
олган бир гуруҳ ноқонуний қу-
роолланган шартли душман ҳақи-
да учувчисиз учиш аппаратлари
ёрдамида разведка маълумотлари
олинди. Қўшинларнинг бирлашган
туркуми қўмондонлиги томонидан





Полигон. Ёзда иссиқ, чанг ва шамолдан иборат қир-адир. Қишда совуқ, ҳамма ёқлой ва қаҳратондан иборат ҳарбийларнинг машғулот ўтказиш жойи. Бир қараганда, зерикарликдек. Аммо ўша жойда мусобақа ўтказилса, на ёзнинг қумли саратони ва на қишнинг лойли қаҳратони билмас экан. Унинг иштирокчилари ғолиблик учун борини бераётган ҳаракатларини кузата туриб, иқлим инжиқликлари унутиларкан. Худди шундай мусобақа Марказий ҳарбий округ «Фориш» тоғ полиго­нида «Мен ғолиб!» шиори остида ўтказилди. «Энг илғор мутахассис» кўрик танловининг Мудо­фаа вазирлиги босқичида ҳарбий хизматчилар «Ҳарбий-тиббий эстафета», «Хавфсиз маршрут», «Муҳандислик формуласи» ҳамда «Дала ошхонаси» йўналишлари бўйича ўз маҳоратини синовдан ўтказди.



«Ҳарбий-тиббий эстафета»

Ҳарбий шифокорлар олдига «Қуроллардан ўқотиш», «Махсус тиббий кўникмаларни намойиш этиш», «Жамоа биринчилиги» ҳамда «Махсус техникани бошқариш» каби мураккаб ва қизиқарли босқичлардан ўтиш вазифаси қўйилди. Барча шартларда ўз маҳоратларини кўрсатган Марказий ҳарбий округ иштирокчиларига тенг келадиган рақиб топилмади. Айниқса, жанговар техника ичида яраланган аскарни тўсиқлар оша хавфсиз жойга бешикаст ва қисқа вақт ичида олиб бориш шarti барча иштирокчилар учун энг қийинларидан бири бўлди. Шунга қарамай, Тошкент ҳарбий округи жамоаси иккинчи ўринни қўлга киритди. «Ҳарбий-тиббий эстафета» йўналишининг учинчи ўрни эса Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округ ҳарбий шифокорларига насиб этди.



«МЕН ҒОЛИБ!»НИНГ





«Хавфсиз маршрут» ҳамда «Муҳандислик формуласи»

Сараланган ҳарбий муҳандислар ўзаро беллашадиган мусобақа – «Хавфсиз маршрут» низомига асосан, жамоалар тўрт босқични босиб ўтишди: МРД (муҳандислик разведка дазори), «ТММ-3» (оғир механизациялаштирилган кўприк ўрнатиш), «БАТ-2» ҳисоби (калонна йўллари қайта тиклаш), «ИМР-2» ҳисоби (вайроналарни бартараф этиш орқали йўл очиш). Шунингдек, «Муҳандислик формуласи» иштирокчилари ИМР-2, МДК-3, БАТ-2, ГМЗ-3, УР-77, ПТС-М техникалари билан 3 км бўлган ҳалқа йўлагига эстафета тарзида ҳаракатланиб, техникаларнинг хусусияти бўйича вазифалар бажаришди. Иштирокчилар томонидан бошқарилаётган техникаларнинг хатти-ҳаракати ҳеч кимни бефарқ қолдирмади. Тўғри ва аниқ бажарилган «манёвр»лар, ҳатто рақиблар томонидан ҳам олқишланди. «Хавфсиз маршрут» ва «Муҳандислик формуласи» йўналиши бўйича Марказий ҳарбий округ жамоаси биринчи ўринни қўлга киритган бўлса, Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округ муҳандислари иккинчи ўринга сазовор бўлди. «Хавфсиз маршрут» йўналиши бўйича учинчи ўринни Тошкент ҳарбий округи, «Муҳандислик формуласи» йўналиши бўйича эса Шарқий ҳарбий округ иштирокчилари қўлга киритишди.



«Дала ошхонаси»

Дала полигонидан тушлик учун ҳарбий хизматчилар ётоқхонасига қайтар эканмиз, димоғимизга мазали таомларнинг ифори урилади. «Дала ошхонаси» йўналишида 100 метр масофадан нишонга ўқ отиш шартини бажарган ҳарбий ошпазлар, миллий таомлар, газак ҳамда шарбат, нон ва нон маҳсулотларини тайёрлаш шартларини бажаришга киришган эди. Ўзлари тайёрлаган таомлар учун ҳакамлардан баҳони олган жамоаларнинг овқатларидан татиб кўришга муюссар бўлдик. Бизга-ку, ҳар бир жамоанинг тайёрлаган таомлари мазали эди. Аммо ҳар соҳанинг ўз усталари бўлгани каби, ошпазликда ҳам хўранда учун билинмаган айрим камчиликлар соҳа мутахассислари томонидан айтиб ўтилди. Яқунда Марказий ҳарбий округ жамоасига биринчи, Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округ жамоасига иккинчи, Шарқий ҳарбий округ жамоаси эса учинчи ўринга лойиқ топилгани эълон қилинди.

Мусобақанинг ёпилиш маросимида сўзга чиққан Марказий ҳарбий округ қўшинлари қўмондони полковник Ойбек Саидов баҳсларда иштирок этган ҳарбий хизматчилар, айниқса, сержантлар таркибининг шижоати, ғайрати ва жанговар қобилияти хусусида тўхталиб, жамоаларнинг келгуси мусобақаларда ҳам юқори натижаларга эришишини тилади.

Тадбирда ғолиб ва совриндор жамоаларга, турли номинациялар бўйича юқори кўрсаткичларни қайд этган ҳарбий хизматчиларга кубок, диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Шерзод ШАРИПОВ, «Vatanparvar»



ҒОЛИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ



Муаллиф суратга олган

HARBIY HAMKORLIK

Ўзбекистонлик ҳарбий хизматчилар 5-10 август кунлари Россия Федерацияси ва тожикистонлик ҳамкасблари билан биргаликда «Ноқонуний террорчи гуруҳларни йўқ қилишни ташкиллаштириш ва ҳамкорликдаги қўшинлардан фойдаланиш», деб ном олган уч томонлама ўқув машғулотида иштирок этди.

«ҲАРБ МАЙДОН» ИНИ ТИТРАТГАН



ЎЗБЕГИМ ЎҒЛОНЛАРИ

Таъкидлаш жоизки, ўзбек ўғлонлари биринчи марта бундай кенг миқёсдаги ўқув машғулотида иштирок этишига қарамай, ўз олдига қўйилган вазифани аъло даражада уddаладилар. Тожикистон Республикасининг Хатлон вилоятида жойлашган «Ҳарб майдон» полигонига 1 август кунини етиб келган Ўзбекистон ҳарбий делегацияси асосий босқичгача бўлган тайёргарлик жараёнида, ҳамкорликда иштирок этган давлатлар мутахассисларида катта таассурот қолдиришди. Айниқса, ушбу тадбирнинг очилиш маросимидан кейин Россия Федерацияси Марказий ҳарбий округи қўмондонини ўринбосари генерал-лейтенант Поплавский ўз ёрдамчилига: «Молодцы, бойцы из Узбекистана! Они и после тренировки не покинули полигон. Как вы увидите, они ещё и ещё тренируются...», дея ўзбек ҳарбийларининг фидойилигини алоҳида эътироф этди.

9 августдан 10 августга ўтар кечаси «Ҳарб майдон» узра афғон шамоли кўтарилди. Чанг-тўзондан 10 қадам масофани ҳам илғаш қийин. Асосий машғулотлар эрталабки 7:00 да белгиланган. Жараёнларни ёритиш учун етиб келган ўнлаб оммавий ахборот воситалари ходимлари бундай шароитда жанговар машғулот қолдирилари микан, дея хавотирда. Аммо машғулот бошланишига санокли дақиқалар қолганда, ҳаммаси ўз изига тушди. Генерал-лейтенант Поплавский журналистларга шартли жанг майдони макети узра учта давлат ҳарбийлари олиб борадиган ҳаракатларни тушунтириб, қўмондонлик пунктида машқларни назорат қиладиган офицерларга керакли топшириқларни берди.

Бирин-кетин полигондаги нуқталарда жанговар машиналар, вертолётлар ва қирувчи самолётлар ҳаракати бошланиб кетди. «Ҳарб майдони»ни юзлаб ҳарбий техникалар моторининг шовқини ва улардан шартли душман томон йўналтирилган снаряд ҳамда ракеталарнинг портлаш овози ларзага келтирди. «Ҳарб майдони»ни ларзага келтирган ҳарбий хизматчилар орасида ўзбек ўғлонлари ҳам борлиги ҳар қандай мақтовга лойиқ бўлди.

Ўзбекистон ва Тожикистон Республикалари ҳамда Россия Федерацияси ҳарбий хизматчилари иштирокидаги уч томонлама



ҳамкорликдаги машғулот ана шу тарзда муваффақиятли якунланди. Уч давлат ҳарбий хизматчилари машғулотдан сўнг, «Ҳарб майдон» полигонининг марказий трибунаси олдида саф тортди. Машғулотнинг ёпилиш маросимида сўзга чиққан Тожикистон Республикаси мудофаа вазири генерал-полковник Шерали Мирзо, Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазинининг биринчи ўринбосари – Қуролли Кучлар Бош штаби бошлиғи генерал-майор Шухрат Халмухамедов ҳамда Россия Федерацияси Марказий ҳарбий округи қўмондонини генерал-полковник Александр Лапин барча ҳарбий хизматчиларни эришилган натижа билан табрикладилар.

Машғулотда намуна кўрсатган ҳарбий хизматчилар Ўзбекистон ва Тожикистон Республикалари ҳамда Россия Федерацияси Мудофаа вазирилик томонидан муносиб тақдирланди.

Асрор РЎЗИБОВ

MARDI MAYDONLAR

«Нукус» умумқўшин полигонидан жанговар техникалардан нишонларга амалий ўқ отиш ва мураккаб тўсиқлардан ўтиш машғулоти ўтказилди.

Траншея, миналаштирилган майдон, чекланган йўлаклар ва бошқа ўнлаб тўсиқлардан ўтишда ҳайдовчилардан алоҳида маҳорат талаб қилиниб, танк ва зирхли транспортёр экипажлари шартли душман жанговар техникалари макетларини яқсон қилиш вазифарларини бажаришда юқори натижаларни қайд этишди.

Машғулотларга киришишдан олдин экипаж аъзоларига машқ тартиби, йўлакчаларда учрайдиган тўсиқлар ва уларда ҳаракатланиш бўйича йўриқномалар берилиб, техника хавфсизлиги талаблари етказилди. Иштирокчиларнинг машқ шarti бўйича назарий билимлари синовдан ўтказилди. Дастлаб, маррадан ҳаракатланган танк экипажи оддий техникаларнинг ўтиши мураккаб бўлган жойлардан шиддат билан ўтишни бошлади. Ҳаво ҳарорати юқори бўлгани учун механик-ҳайдовчилар танкнинг техник ҳолатини кўрсатиб турувчи пештоқдаги ўлчов асбобларидан хабардор бўлиб туришди. Ҳарбий



хизматчиларнинг жанговар техникаларга бўлган эътибори туфайли танклар иқлим инжиқликлари ҳамда маршрутдаги сунъий ва табиий тўсиқларни осонликча енгиб, бепоён қумликларда «сузиб» кетарди, гўё.

Тўсиқлардан ўтган экипаж катта тезликда отиш маррасига келиб, марра олдида турган снаряд ва ўқ-дориларни танкка юклай бошлади. Ҳар бир сония ғанимат. Аниқлик эса ғалаба гаровидир. Тезкор ҳаракатлар экипаж аъзоларининг



юқори кўрсаткичларни қайд этишига замин яратди. Ҳарбий хизматчиларнинг тўсиқли йўлакни босиб ўтиши ва амалий ўқ отиш машини бажариши вақт мезони билан баҳоланди. Белгиланган нишонларга қарата ўқ узишдаги аниқлик ҳамда ҳар бир тўсиқдан ўтишда йўл қўйилган хато, умумий баҳога ўз таъсирини кўрсатмасдан қўймайди.

Олисда турган биринчи нишонлар қақшатқич зарбалардан парчаланиб, чанг-тўзон ичида қолиб кетди. Иккинчи нишон танк пулемётидан отилган ўқларга дош беролмай, яқсон бўлди. Демак, натижалар яхши. Фақатгина тўсиқлардан ўтишда жарима балларини олмаслик ҳамда белгиланган вақт оралиғида финишга етиб келиш керак. Марра томон келаётган танк қалин пўлат ичида ўтирган экипаж аъзоларининг хурсандчилигига шерик бўлаётгандек

**МУРАККАБ
ТЎСИҚЛАР
ЗАБИТ
ЭТИЛДИ**

мағрур еларди. Биринчи экипажнинг кўрсатган натижалари юқори. Амма ғалаба нашидасини нишонлашга ҳали эрта. Қолган экипажларнинг умумий кўрсаткичлари эълон қилинмагунга қадар юқори натижаларга эришган экипажларни аниқлаб бўлмайди.

Танк экипажларининг майдондаги ўқув-жанговар чиқишлари ортидан навбат зирхли транспортёр БТР-80 га келди. Дадил ва шиддатли ҳаракатлар экипажларнинг жипслиги, ўқуви ва жанговар шайлигини намойиш этди.

Ўқув машғулоти тунги вақтда ҳам давом этди. Ҳатто қоронғиликдаги жараёнлар ҳам ҳарбий хизматчиларнинг амалий кўникмаларини кўрсатишга тўсқинлик қила олмади.

**Шимоли-ғарбий ҳарбий округ
матбуот хизмати**

Munosabat

«Ҳозирда бирор давлат билан уруш олиб бориш учун у ерга қурол-аслаҳа ва техникалар билан қўшин тортиб бориш шарт эмас, чунки ўз нишонига тўғри йўналтирилган ахборотлар билан халқнинг мафқурасини ўзгартириб юбориш ва ҳаттоки ўз давлатига қарши қўйиш – энг қулай ва самарали восита ҳисобланади.»

Мен ҳозир айнан, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига, қисқача куч тузилмаларига нисбатан ташқи ахборот манбаларидан туриб, «куч ишлатар» деб қўлланилаётган салбий кайфият уйғотувчи атама ҳақида сўз очмоқчиман. Бир қарашда арзимасдек туюлган бу атама, ҳар бир ўқувчида фақатгина куч ишлатишга мўлжалланган тузилма ҳақидаги салбий тасаввурни уйғотади.

«Куч ишлатар» атамаси Ватанимизни, жамиятимизни ташқи ва ички хавф-хатарлардан ҳимоялашга хизмат қилувчи Қуролли Кучларини обрўсизлантиришни ният қилган ташқи бузғунчи ахборот манбалари томонидан уларга нисбатан салбий муносабатни уйғотиш мақсадида бугунги кунгача фойдаланиб келинади.

Келинлар, ушбу нотўғри ишлатилаётган атаманинг асл моҳиятини таҳлил қиламиз. «Куч ишлатар» сўзи кимгадир нисбатан бевосита ёки билвосита жисмоний куч ишлатиш, куч билан бўйсундириш маъносига фойдаланилади. Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсиз-

лик хизмати, Миллий гвардия ва Мудофаа тўғрисидаги қонунларда агар ҳуқуқ-тартибот ходимининг қонуний талаблари бажарилмаган тақдирда, жисмоний куч ишлатиш бўйича нормалари ва ҳуқуқи қатъий белгилаб қўйилган. Лекин бу «куч ишлатар» атамасидан фойдаланишга асос бўлмайди, чунки бу ҳуқуқлардан ташқари уларга мамлакат аҳолисини хавф-хатарлардан ҳимоялаш ва инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилиш бўйича бир қатор мажбуриятлар ҳам юклатилган.

Сўнгги пайтларда интернет тармоқларида, хусусан, баъзи расмий матбуот манбалари томонидан ҳам Ўзбекистон Қуролли Кучлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларни «куч ишлатар» тузилмалар деб аташ оддий ҳолатга айланиб бормоқда. Аслида бу ҳам ташқи ахборот манбаларининг салбий ахборотлари таъсири маҳсулидир. Мен миллий матбуотимиз, оммавий ахборот воситаларининг сўз эркинлигига мутлақо қарши эмасман, аксинча, уларнинг тарафдориман. Лекин ташқаридан истеъмолга ки-

риб келаётган ҳар бир атаманинг истеъмолчиларда қандай кайфият уйғотишини ҳам бир ўйлаб кўрайлик...

Афсуски, душман кайфиятидаги ташқи ахборот манбаларидан кириб келаётган нотўғри атамалар, ўзининг кенг доирадаги обуначиларига эга бўлган баъзи расмий матбуот манбаларимиз орқали ҳам оддий атама сифатида фойдаланилмоқда. Шу билан бирга, ахборот маконида жуда кўп марталаб такрорланаётган ушбу атама, инсон онгида автоматик тарзда Қуролли Кучларни тасвирловчи сўз сифатида намоеён бўлмоқда. Зеро, уларнинг мақсади бизни ҳимоя қилиб турган Қуролли Кучларимизни обрўсизлантириш эмаслигини тўғри тушунаман.

«Миллий тикланиш» демократик партияси сафига кириб келганимдан буён ҳарбийлар даврасидаги ҳарбий-ватанпарварлик, маънавий-маърифий ҳамда маданий тадбирларда доимий тарзда қатнашиб келаман. Ҳар доим тадбир сўнггида

улар билан узоқ вақт мулоқотда бўлман ва ижобий кайфият билан қайтаман.

Бундан ташқари, ўз вазифарларини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбийларимизнинг қаҳрамонликлари ҳеч кимга сир эмас. Бунинг оғир қайғусини уларнинг ортида қолган ота-онаси, рафиқаси, фарзандлари ва яқин дўстлари яхши билади.

Бугунги кунда анчайин очиклик ва эркинликка эришган, бизнинг кўзимиз бўлиб турган матбуотимиздан ахборот уруши қизгин кетаётган ахборот маконида фақат ғалаба қозонишларини, Ватанимиз, халқимиз, жамиятимизни турли хавф-хатарлардан ҳимоя қилаётган ҳимоячиларимизнинг обрўсига ўзимиз билмаган ҳолда зарар етказиб қўйишдан сақланишларини сўраб қолардим.

**Ботир СОДИҚОВ,
«Миллий тикланиш»
демократик партияси
Мирзо Улуғбек тумани
Кенгаши раиси**

КУЧ ТУЗИЛМАЛАРИ «КУЧ ИШЛАТАР»МИ?

Тарихи буюк халқнинг келажаги ҳам буюк бўлади

Бир жиҳатга эътибор берганмисиз, ер юзидаги жамики халқ ва миллат борки, ўз тарихи ва ўтмишни улўғлашга одатланган. Албатта, бунга ҳеч қандай чеклов ва тўсиқлар йўқ, ўз тарихини улўғлаш ҳар бир миллат ва халқнинг ҳуқуқи. Ўзбек халқи ва миллатининг бир вакили сифатида айта оламаники, бизнинг юртимиздек бой тарих ва ўтмиш, боболаримиздек буюк алломалари бор, таъбир жоиз бўлса, «сифати билан» ҳақли равишда фахрлана оладиган мамлакатлар, халқлар ер юзида жудаям кам бўлса керак.



Бир сўз билан айтганда, Уйғониш даври гуманизм даврига, гуманизм эса маърифат даврига асос яратди. Буюк илм-фан намоёндалари, амалий санъат аҳли, ёзувчилар ва шоирлар ана шу муҳит ва шароитда етишиб чиқдилар.

Аксарият таниқли Ғарб олимларининг эътирофига, ҳозирги кунда бутун жаҳон, айниқса, энг ривожланган мамлакатларда фойдаланилаётган илғор технологиялардан тортиб, кундалик зарур истеъмол буюмларининг яратилиши замирида аждодларимизнинг илмий кашфиётлари ётибди. Ҳозирги замон рақамли технологиялари ал-Хоразмининг алгоритмларисиз, замонавий тиббиёт буюк Ибн Синонинг «Тиб қонунлари»сиз, арифметика, математика, астрономия, маъданшунослик Беруний даҳоси яратган асарларсиз, фазо астрономияси ал-Фарғоний ҳамда Мирзо Улуғбекнинг машаққатли меҳнатларисиз ҳозирги даражага етмаган, ета олмаган бўларди.

Марказий Осиёда 750 – 1150 йилларда кузатилган Илк Уйғониш даври тарихий босқичи, шу даврда яшаган Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Фаробий, ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Фарғоний каби нафақат ислом хазораси, балки башарият цивилизациясига ўз илмий асарлари ва кашфиётлари билан ҳисса қўшган мутафаккирлар ҳамда олимлар меросини алоҳида эътироф этиш лозим.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан ислоҳотлар, дарҳақиқат 750 – 1150 йиллардаги Биринчи Уйғониш даври, 1370 – 1507 йиллардаги Иккинчи Уйғониш давридан (Темур ва Темурийлар Ренессансидан) кейин Учинчи Уйғониш даврига қадам қўяётганимиздан дарак бермоқда.

«Ренессанс» луғавий французча «қайта тўғилиш» деган маънони англатади. Бу атама илк бор Европада ўрта асрлар мутаассибидидан кейин XV-XVI асрлардаги ривожланиш даврига нисбатан қўлланилган. Ренессанс аталмиш мазкур ижтимоий ҳодиса ўзбек тилига Уйғониш даври деб ўгирилган.

Йиллар ва асрлар аро Уйғониш даврлари учун фундаментал асос бўлиб хизмат қилган ҳамда буюк алломаларимиз томонидан яратилган бебаҳо маънавий хазина ва қолдирилган мерослар ҳақида нималарни биламиз? Келинг, ўтмишга бир назар солиб, уларни имкон қадар ёритишга ҳаракат қилиб кўрамиз.

IX АСР. Мовароуннаҳрлик ва хуросонлик олти буюк муҳаддис, яъни ҳадисларни тўпловчи, сараловчи ва гуруҳлаштирувчи олимлар яшаган ва ижод қилган бу ўз йилликда китоб бутун муслмон дунёсининг эъзозли мулкига айланди. Муҳаддисларнинг китоблари, ўз навбатида, ислом тарихи илмига, тарихшунослигига, манбашунослигига ва бадиий адабиёти раванқига замин ҳозирлади. Ҳадисларни текшириш асносида илмий синтез методига ҳам асос солинди. Қуръоннинг табарруқ нусхалари бу асрдан эътиборан асосан мовароуннаҳрлик хаттоғлар томонидан кўчирила бошланди.

X АСР. Шу асрдан оммавий равишда исломга ўта бошлаган туркий халқлар орасидан чиққан Мухаммад ал-Хоразмий, Абу Наср ал-Фаробий ва Абу Саҳл ал-Жавҳарий каби буюк алломаларнинг иқтидори ва истеъдодининг баракасидан муслмон оламига аниқ фанлар кириб келди. Юнон фалсафаси, геометрияси, ҳинд ҳисоб тизими ва бошқа илмлар уларга оид асарларни таржима қилиш баробарида бутун инсониятга китоб воситасида мерос қолдириди. Айни шу юз йилликда Мухаммад ал-Хоразмий алгебра фанига асос солди. Абу Наср Фаробий Аристотелнинг «Метафизика»

асарига энг мукамал шарҳ ёзиб, «Муаллим ас-соний» номини олди.

XI АСР. Абу Райҳон Беруний ва Абу Али ибн Сино сингари жаҳон фани даҳолари раҳнамолигида кечган давр Шарқ Уйғонишининг олтин асри бўлди. Абу Райҳон Беруний Ер билан Ой ўртасидаги масофани ўлчади. Ибн Сино тиббиёт Қомуси – «Тиб қонунлари»ни яратди.

XII АСР. Боласоғунлик Юсуф Хос Ҳожиб «Қутадғу билиг» ва қашқарлик Маҳмуд Қошғарий «Девону луғотит турк» асарларини яратиш билан туркийларнинг ўз она тилларида ижод ва мутолаа қила олишларини исботладилар. Худди олдинги V асрда бўлгани каби Урганч, Бухоро, Термиз, Самарқанд, Тошкент каби шаҳарлар илм-фан ва маданият маркази бўлиб қолардилар.

XIII АСР. Тилга олинган билан ваҳший Чингизхон қўшинларининг Евроосиё ижтимоий-сиёсий ва маданий-маърифий ҳаётига етказган зиён-заҳматлари лоп этиб хотирага келади, ўз йилликда кўплаб обод шаҳарлар ва овоз халқлар қаторида китоблар ҳам яқсон этилди. Шундай бўлса-да, минтақамиздаги Бухоро ва Самарқанд сингари илм-фан марказлари Чингизхон қўшинлари истилосидан 30-40 йил ўтмаёқ ўзларини қайта тиклай бошладилар. Сайфиддин ал-Бохарзий ва Носириддин Рабғузий сингари донишмандлар мўғуллар ҳаётига маърифатни, худди олдинги асрлардагидек, китоб билан сингирдилар. Олтин Ўрда давлатини исломга киритишда ва юртимиздан шимолда диний эътиқод тарқалишида қилиб қила олмаган ишни Носириддин Рабғузийнинг «Қиссаси Рабғузий» асари уддалай олди.

XIV АСР. Мабодо олдинги асрнинг биринчи чораги VII – XII юз йилликлардаги улкан маърифий маданиятининг нафаси заифлашган палла бўлса, 60 – 70-йиллари она Ватанимизга соҳибқирон Амир Темурни инъом этган баракотли бу юз йиллик Марказий Осиё Уйғонишининг кучли нафаси билан тарихга кирди. Шукуҳли 1370 йилларнинг бошларида Амир Темур Мовароуннаҳр доруссалтанати – пойтахти Самарқанд тахтига чиқиб баробарида Марказий Осиё давлатчилиги, илм-фани ва маданияти ҳам кейинги икки асрни баҳраманд этадиган юксаклик палласига қадам ташлайди.

XV АСР. Мирзо Улуғбек ва Алишер Навоий даҳоси, Хожа Аҳрор Валий, Лutfий, Абдурахмон Жомий, Султон Ҳусайн, Бойсунғур Мирзо, Ҳусайн Воиз Кошифий, Зайниддин Восифий, Қозизода Румий, Али Қудшчи заковати билан зийнатланган бу аср минтақамизни ёзма маърифатга тўла-тўқис қайтарди. Мирзо Улуғбек Самарқанд астрономия мактабига асос солиб, 1019 юлдузнинг ҳаракат жадвалини тузди ва аниқ фанлар раванқига асос солди, Алишер Навоий ўзига қадар ижод қилган барча туркий муаллифлардан кўра кўпроқ асарлар яратилган ташқари, Шарқ адабиётида бутун даврни яқунлади, ўлмас «Хамса» асарини ёзди, буюк хаттоғлар ва мусаввирларга раҳнамолик қилди.

XVI АСР. Темур салтанатининг вайронларида вужудга келган Шайбонийлар, Сафавийлар, Бобурийлар давлатида, қисман Усманийлар салтанатида ҳам илм-маърифат, китоб санъати – хаттоғлик ва миниатюронавислик баркамоллашди, хусусан, Бухоро ва Табриз хаттоғлик ва миниатюра мактаблари гуркиради. Навоийнинг «Хамса» асари 1556 йилда Қоҳирада кўчирилди, 1572 йилда «Сабаи сайёр» достонининг итальянча таржимаси Венецияда тошбосма усулда чоп этилди. «Бобурнома» оламга тарқалди.

XVII – XVIII АСРЛАР. Марказлашган давлат емирилиб, хонликлар ва беқликлар заифлиги авжига чиққан, минтақамиз савдо иқтисодиётдан узилиб қолган, илмий ижод деярли тўхтаб, бадиий адабиёт ва санъат ички инерцияси билан яшаб келган бир-бирига ўхшаш бу икки асрда янги асарлар кам яратилган бўлса-да, хаттоғлик давом этди, лекин китоблар борган сайин миниатюраларсиз кўчирилади бўлди. Мамлакатдаги оғир ҳаётни ўзида акс эттирган китоблар асосан диний йўналишда бўлган, Европа институтларида ал-Хоразмий, ал-Фаробий ва Ибн Сино илмий мероси теран ўрганилган паллада улўғ олимларнинг ватандошлари ундан айтарли фойдаланмай кўйишди.

XIX АСР. Жадидчилик ҳаракати гарчанд XX аср бошларида шиддат билан ривожланган бўлса-да, маърифатпарварлик айнан шу асрнинг бошларида бирмунча жонланди. Қўқон, Бухоро, Хива, Каттақўрғон адабий мактабларида ижод қилинди. Бу даврда Умархон, Нодира сингари хукмрон доиралар вакиллари ижод билан шуғулланардилар. Бадиий ва илмий тафаккур давлат билан яқинлаша бошлади. Хивада таржима мактабини яратган Мухаммадризо Огаҳий, унинг катта тоғаси Шермуҳаммад Мунис анча катта лавозимларда ишлаган. Аҳмад Доғиш Бухоро муҳитида минтақа илмий тафаккурини тиклашга уринди, хаттоғлик қилди, миниатюралар чизди. Қўқонда ҳам Навоий мероси қаторида Мирза Абдулқодир Бедил ижодига мурожаат этиш аънанага айланди, хотин-қиз хаттоғлар фаолият кўрсатгани ҳақида тарихий маълумотлар бор.

XX АСР. Жадидчилик ҳаракати шиддат билан ривожланган бу давр кўпгина миллатимиз даҳоларининг, буюк мураббийларнинг қарашлари ўз аксини топгани билан янада кадрлидир. Уларнинг асарларида юрт озодлиги ва келажаги, Ватан раванқи, дин ва кадрият, айниқса, фарзандлар таълими, муаллим ва мударрисларнинг савияси, касбий салоҳияти ва тарбия усуллари теран ёритилган. Ягона ҳаракат ва мақсад миллатни уйғотиш ва зулматдан кечиб учун ҳаракатлантиришга қаратилган.

Мана сизга 11 асрлик бой тарихий ўтмишимиз, буюк ва даҳо алломаларимизнинг бебаҳо ёдгорликлари-ю, миллий Уйғониш йўлидаги ҳаракатлари. Бир сўз билан айтганда, Уйғониш даври гуманизм даврига, гуманизм эса маърифат даврига асос яратди. Буюк илм-фан намоёндалари, амалий санъат аҳли, ёзувчилар ва шоирлар ана шу муҳит ва шароитда етишиб чиқдилар.

Эътибор бераётган бўлсангиз, кейинги йилларда юртимизда иқтисодиёт, ички ва ташқи сиёсат, илм-фан, маънавият ва маърифат, аждодлар мероси, хотира, диний маърифат ва тарбия соҳаларидаги ислохотлар, яқин ва узоқ истиқболларга мўлжалланган стратегик режалар, халқни рози қилишга қаратилган, инсон манфаатлари ҳамда ҳуқуқларини тўлиқ таъминлашга йўналтирилган чора-тадбирлар ва буларнинг натижасида жамият аъзоларида шаклланган эртанги кунга ишонч юртимизда Учинчи Уйғониш даврига қадам қўяётганимиздан дарак бериб турибди.

Дарвоқе, жорий йилнинг 19 январь куни Президентимиз раислигида маънавий-маърифий ишлар тизимини такомиллаштириш, бу борада давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилган эди. Эътиборлиси, йиғилиш давомида давлат раҳбари яратилаётган Учинчи Ренессанснинг бешта устунини бирма-бир санаб

ўтди. Уларни рамзий маънода формулага солсак, қуйидаги кўринишда бўлади:

маънавият + узлуксиз таълим + давлат тили + китобхонлик + дин = Учинчи Ренессанс.

Агар Ўзбекистон Президентининг кейинги тўрт йилда маърифат, таълим ва илм-фанни ривожлантириш йўлида имзолаган қонун, фармон ва қарорлари, тасдиқлаган давлат дастурлари, илгари сурган янгидан-янги ташаббусларининг мағзини тўла қақиб кўрсак, навбатдаги Маърифат Ренессансининг маркази Ўзбекистон эканига ҳеч кимда шубҳа қолмайди. Албатта, Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш жараёни беш-ўн йил давом этмай, анча катта ва машаққатли даврни талаб қилади. Буниинг учун, аввало, минглаб истеъдодли кадрлар, иқтидорли замонавий ёшлар, фидойи инсонлар ниҳоятда зарур.

Тўғри, Ренессанс деган билан у содир бўлиб қолмайди. Буниинг учун ҳар томонлама пухта ўйланган сиёсат олиб борилиши, халқда руҳий кўтарилиш, қатъий иродали интилиш юз бермоғи зарур. Аввало, тушунча мазмунини аниқ очиб бериш, аҳолининг барча қатламлари, аввало, ёшлар онгига етказиш керак. Утмиш ренессанслари даврида аждодларимиз нималарга эришганини, жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссасини, бошқа халқлар, минтақалар ютуқлари билан таққослаб, жаҳоннинг етакчи маданиятларидан, илм-фани, санъати ва адабиётларидан бирини, илғор ижтимоий фикру қарашларини яратганини қисқа, лўнда, дабдабали жумлаларсиз ёритиш зарур.

Шуниингдек, уларнинг инқироз сабаблари холис таҳлил этилмоғи лозим. Тарихдан сабоқ олиш, тегишли хулоса чиқариш учун булар ёшлар, аҳоли онгига етказилиши керак. Биз кўпроқ аввалги уйғониш даврларимизнинг ютуқларини фахр билан эътироф этиб, негадир уларнинг инқирози сабаблари ҳақида гапиришни унчалик хушламаймиз. Биринчи ва иккинчи ренессансларнинг тарихий шароити ва даври талаблари, имкониятларини ҳаққоний баҳолаб, Янги Ренессанснинг тарихий шароитлари ва талаблари мутлақо ўзгача эканини асослаш, далиллаш мақсадга мувофиқ.

Учинчи Ренессанс тўртинчи санаот инқилоби билан мувозий, бир вақтда кечади. Шу сабабдан у, аввало, технологик инқилобни, юксак ривожланган рақамли смарт (ақлли) иқтисодиётни тақозо қилади. Ўз навбатида, рақамли, смарт иқтисодиётга ўтиш учун ишлаб чиқаришни босқичма-босқич модернизация қилиш, автоматлаштириш, роботлаштириш талаб этилади. Мазкур жараён Ўзбекистонда қандай босқичларда амалга оширилиши, унинг моддий-молиявий, инсоний, илмий ва илмий-технологик таъминоти бўйича истиқболли аниқ комплекс дастурлар янги Ренессанс ғояси билан мафкуравий жиҳатдан боғланиши шарт. Илмий, илмий-технологик таъминот тақозосидан келиб чиқиб, таълим-тарбия соҳасининг барча бўғинлари узлуксиз ислох этиб борилиши керак.

Юқоридагилардан аёнлашмоқдаки, Учинчи Ренессанс биздан халққаро ҳамжамиятга илм-фан, технологиялар, ахборот, маданият ва иқтисодиёт соҳаларида янада чуқурроқ интеграция бўлишини талаб этади. Аммо ўзлигимизни, тилимизни, миллий хусусиятларимизни, маънавиятимизни сақлаб қолишимиз шарт. Бу эса таълим-тарбия тизимида жиҳдий эътибор қаратишни билдиради.

Хулоса қилиб айтганда, янги Уйғониш даврига пойдевор қўйилаётган айни дамда буюк аждодларимиз бебаҳо меросини мукамал ўрганиш, уларга муносиб ворис бўлиш, янги даврнинг барча соҳаларидаги ривожланиш жараёнлари фаол давом этишини таъминлашга қодир бўлган ўз соҳасининг билимдони, айни пайтда юксак маънавият, маданият ва маърифат эгаларини тайёрлашни тақозо қилади.

**Қаҳрамон КАМОЛОВ,
Мудофаа саноати давлат
қўмитаси раисининг
маслаҳатчиси**

KELING, KITOB O'QIYMIZ!

Китобнинг номи эътиборимни тортган бўлса-да, адиб сафдошлари ҳақидаги эсдаликлар бўлса керак, дея ўйлаб ўқишга шошилмаган эдим. Менинг китобсевар эканлигимдан хабари бор ҳурматли ёзувчимиз Қулман Очил шундай «смс» хат йўллабдилар: «Бугун эрталабдан Сизга шу ажойиб китобни илингим келди. Бу китобнинг босмаҳона бўёғи ҳали қуримаган. Қуримаганига қарамай, аллақачон тилга тушиб улгурди... Маза қилиб ўқийсиз...»

Ўша заҳоти ўқишга тутидим. Даставвал мана бу парчани ўқидим: «Азим пойтахт Тошкентнинг қоқ марказида жойлашган Навоий кўчасидаги ёнбошига «30» рақами зарб этилган бу мухташам иморат ушбу китоб қахрамонидир.

Эҳтимол, сиз, ҳеч замонда бино ҳам бадий асар қахрамони бўлиши мумкинми, деб сўрасиз.

Лекин Санъат номли оқсоч момо қалъалар ва кўрғонлар, сарой ва қасрлар, масжиду мадрасалар, бутхонаю калисолар ҳақида оташин ҳарорат ва маҳорат билан битилган қанчадан-қанча гўзал асарларга доя бўлгани тарихдан маълум. Лоақал «Биби Марям ибодатхонаси», «Садди Искандарий», «Иф қалъасининг маҳбуси», «Арбат болалари», «Дарё бўйидаги уй» каби асарларни эслаш кифоя.

Шу маънода, Навоий – 30 ўз сиймосида ҳам қалъа, ҳам кўрғон. Ҳам сарой, ҳам қасри олийга хос жамики белги-аломатларни мужассам этгани учун, ҳеч шубҳасиз, бадий асарнинг тўлақонли қахрамони бўлишга мутлақо муносибдир».

Азиз ўқувчи, сиз пойтахтнинг бу кўркем кўчасидан ўтгансиз ва олдида улкан «колонна»лари бор мухташам бинога кўзингиз тушган, албатта. Билгичлар учун бу гўзал ва ноёб архитектура тимсоли, Тошкентнинг кўрки. Миллат ойдинлари учун эса бағоят қадрли, нурафшон бир маскан.

Китобда Навоий кўчаси ва бинога анчагина батафсил таъриф берилган. Эътибор беринг-а: «Нафақат Ўзбекистон, балки узоқ-яқиндаги кўплаб адабий минтақалардан ҳам

ижод дардига гирифторм бўлган минг-минглаб шайдою савдойилар мана шу маконга парвонадек талпинар эди. Барча адабий йўллар Навоий – 30 га элтарди. Барча адабий тақдирлар Навоий – 30 да туташарди».

Назаримда, шу парчада асарнинг қалби очилгандек. Мени афв этинг, азиз ўқувчи. Ҳар доимгидек яна шошилдим. Китоб таассуротлари мени шу аҳволга солади. Китобнинг номини айтдим, у дедим, бу дедим, аммо адибнинг кимлигини айтмабман. Бу асар муаллифи Хайриддин Султон. Ёзувчи ҳақида гапиришни жоиз деб билмайман. Фақат бир нарсани айтишим мумкин: у ўз асарлари билан бизга Заҳириддин Муҳаммад Бобурни танитди, севдирди. Биз Бобур исми тарихий шахсни билар эдик, албатта. Аммо унинг гўзал инсоний сифатлари, матонати, закоси, дарду туғёнлари-ла билмас эдик-да.

Адиб шундай ёзади: «Орадан йиллар ўтиб, Навоий кўчасининг фуқаролари ва қироллари бўлган ана шундай инсонлар шаънига ушбу китобни битдим. Бу китоб муҳит ва унинг қахрамонлари ҳақида...»

Баъзи андишаларга кўра, айрим қахрамонларнинг исм-фамилияларини ўзгартириш лозим топилди. Зеро, адабиёт учун муайян шахснинг ному нишонидан кўра, унинг тийнати, хулқи ва сажияси, қилган ва қилмаган ишлари муҳимдир.

Айни вақтда мен фаришталар тарихини эмас, оддий инсонлар ҳаётини ёзаётганимни, хом сут эмган банда сифатида барчамизнинг нуқсон ва хатолардан холи эмаслигимизни унутмасликка ҳаракат қилдим».

Ҳа, бу китоб фаришталар тарихи эмас, сизу бизнинг муҳаббатимизни қозонган улўғларимиз, соддадил инсонлар, ҳар ерда ҳозир устозлар, мураккаб

«НАВОИЙ – 30»

ЎКИ

ЖАНРИ ЙЎҚ КИТОБ

даврлар ҳақида ҳикоя қилади.

Адиб камтарлик билан ушбу хотираларини «жанри йўқ китоб», дейди. Оддий бир ўқувчи сифатида мени китобнинг жанри унчалик ҳам қизиқтиргани йўқ. Бу китобда тақдирлар бор, инсонлар бор. «Навоий – 30»ни ўқир эканман, айрим парчаларни белгилаб кўйдимки, китобни ўқувчиларга тавсия қилганимда фойдаланиш учун. Ўқиб бўлганимдан кейин қарасам, улар жуда кўп, бир саҳифа эмас, бир нечалари ҳам камлик қилади.

Таассуротларим кўплицадан қай бирига тўхталишни билмаяпман. Навоий кўчасининг қироли, Навоий кўчасининг афсонаси Мирзиёд Мирзоидов Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти таржима бўлимнинг катта муҳаррири экан. Сиз ҳам

ҳолатлар бўлиб туради. Нашриётларда ҳам бу янгилик эмас. Атоқли шоир Миртемирнинг «Онагинам» сарлавҳали шеъри «Онагинам» бўлиб кетибди.

«Навоий – 30»дан ўқиймиз: «– Кўп сиқила берманг, – дебди Одил ака (Одил Ёқубов) уни (шоир Раззоқ Абдурашид) юпатиб, – ўзи, бизнинг Туркистонда «Онагинам» демайди, «Онагинам» дейди. Так что, аслига тўғри. Миртемир акаям туркистонлик. Буни тўғри тушунади. Машойихлар айтади: «Хотин жафосиз бўлмас, китоб хатосиз бўлмас». Катта хатолардан Худонинг ўзи асрасин».

Машойихлар ҳам бор бўлсин-ей, ҳеч эшитмаган эканман бундай доно сўзларни.

Китобда таржимон, мақол китоблар тузувчиси Раҳмат Эгамбердиев ҳақида «Нукрумба нима бўлди?» деган хотира бор. Бу инсоннинг ғаройиб одатларидан кулгингиз келади. Аммо негадир кулолмайсиз... Адиб буни биттагина гапдаёқ изоҳлабди.

Ўқиймиз: «Шундоқ важоҳат, шундоқ савлат ортида ғариб бир қисмат яширилганини билмаган эканмиз, ҳаммамиз ачиндик».

Нега бундай эканлигини китобни ўқисангиз, билиб оласиз.

«Кекса чинорлар куюқ соя ташлаган кўча бўйлаб қоқсуяк, қотма бир мўйсафид ниманидир хаёлчан шивирлаб кетаётир. Бу одам тарихий асарлар муаллифи, таниқли таржимон Миркарим Осим.

Чамаси, ҳозиргина нашриётдан чиқиб кетган бўлса керак. У ҳар қандай давлат идорасида ўзини четга олиб, девор тагидан қисиниб юради, шу боис нимдош костюмининг елкалари доимо оҳак тегиб оқариб ётган бўлади».

Шундай улўғ адиб нега қисиниб юрар экан, а? «Қамоқдан кўзининг ўтини, юрагининг оловини олдириб...» Йўқ, буларни ўзингиз ўқишингиз керак, асарларини муҳаббат билан

ўқиганингиз каби, унинг ўзи ҳақида ҳам меҳр, эҳтиром билан ўқинг. Зеро, Миркарим Осим каби закийлар ҳар доим ҳам туғилавермайди.

«Ҳамза театридан чиқиб, Ўрда томон зодагоний виқор ва салобат билан қадам босиб бораётган бу киши – таниқли актёр, халқ артисти Қудрат Хўжаев.

...Қудрат Хўжаев гўёки Шекспир оламиндан чиқиб, Навоий кўчаси орқали яна Шекспир оламига кетиб бораётгандек туюларди».

Ҳа, адиб Хайриддин Султон қахрамонлари саҳифалар орасидан сўзларда қаршингизда кетаётгандек намоён бўладилар.

Қани эди, бу китоб қахрамонларининг ҳар бири ҳақида тўхталиш имкони бўлса! Ўқитувчи Вилоят Файзиева, шоир Муҳаммад Юсуф...улар кўп. «Гўзал Қрим» ҳақида «Кўрганимдан афзал эрур эшитганим», дейди адиб. Мен ёзувчи Аҳмад Аъзамнинг «Гараша»сидан ортиқ гўзал юрт бўлмаса керак деб ўйлардим.


Ўқиймиз: «Қримнинг бахти ҳам, бахтсизлиги ҳам унинг гўзаллигида. Шунинг учун ҳам неча йиллар, асрлар оша турли давлатлар, салтанатлар ўртасида талон-торож бўлиб келади».

Бу ерда қрим-татар Сабрие опа ҳикояси бор, Дермангўл соғинчи бор... Бу соғинччи мен англалотмайман. Уни ўқиш керак.

«Навоий – 30»да «Гулистон»нинг ўчмас чироғи дея ҳақли таъриф беради адиб Ваҳоб Рўзиматовга. Бу ҳали ҳаммаси эмас. Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Асқад Мухтор, Машраб Бобоев, Саид Ислонбек Худоевхонов, Шукр Бурҳон, Чингиз Аҳмаров, Берта Давидова, Анвар қори Турсунов, Мутал Бурҳонов... ва яна жуда кўп инсонлар ҳақида авваллари ҳеч қарерда ўқилмаган гўзал хотиралар бор, китобда.

Бу китоб хонадонингизга нур олиб киради, «ёмон «крутой» ёзадиган Навоий»ни фарзандларингизга танитади, кўнгил хазинангизни бойитади!

Инобат ИБРОҲИМОВА,
«Vatanparvar»



“Kitob har qanday qasr va osmono‘par binolardan chiroyliroqdir. Chunki u aqlni sayqallaydi, qalblarni shodlantiradi, nafsni o‘ziga ulfat qiladi, ko‘ngilni ochadi va fikrni o‘stiradi”.

Shayx Oiz Qarniyning
“O‘kinma” asaridan

Япония пойтахти Токио шаҳрида XXXII ёзги Олимпиада ўйинлари якунланди. Мусобақанинг сўнги куни боксчимиз Баҳодир Жалолов ғалабаси эвазига Токиода юртимиз мадҳияси янграб, Ватанимиз байроғи баланд кўтарилди. Терма жамоамиз аъзолари «Токио – 2020» ёзги Олимпия ўйинларининг бешта медалига сазовор бўлишди, шунинг иккитасига Мудофаа вазирлиги Олий спорт натижаларини ривожлантириш маркази (MVSM) вакиллари эришди.

ЎН ИККИНЧИ КУН

Каноеда эшак эшиш бўйича «Токио – 2020» Олимпия ўйинларида юртимиз спорт шарафини Мудофаа вазирлиги Олий спорт натижаларини ривожлантириш маркази (MVSM) вакиллари кичик сержант Нилуфар Зокирова ва кичик сержант Дилноза Раҳматова ҳимоя қилишди. Зокирова 200 метрга кечган саралаш босқичидаги биринчи стартини 49.686 сония натижа билан якунлади ва бу 1-саралаш гуруҳида 6-натижа бўлди. 4-саралаш гуруҳи баҳсларида қатнашган Раҳматова 47.716 сонияда маррага етиб келиб, бешинчи натижа қайд этди. Чорак финал баҳсларида каноечиларимиз янада тезкорроқ ҳаракатланишди. Нилуфар 48.995 сония натижа билан яна ўз гуруҳида олтинчи бўлиб маррага етиб келди. Бошқа гуруҳ баҳсларида Дилноза 46.645 сония натижа кўрсатди. Афсуски, бу 2-ўринни қўлга киритган россиялик спортчи кўрсаткичидан 0.008 сония пастроқ натижа бўлди ва Раҳматова ҳам Зокирова каби ярим финалга йўл ололмади.

4 август куни эркин курашчиларимиз ҳам «Токио – 2020» дастуридаги баҳсларга қўшилишди. Дастлаб Жавраил Шапиев икки карра жаҳон чемпиони эронлик Ҳасан Язданига қарши гиламга чиқди. Шапиев тажрибали рақибга қарши муносиб курашди. Бироқ Яздани якунда ғалаба қозониб, кейинги даврага йўл олди. Токиода Ғулумжон Абдуллаев (-57 кг) эркин курашчиларимизнинг илк ғалабасига муаллифлик қилди. У хитойлик Мингху Лиуга қарши кечган курашда ғолиб чиқди. Ғулумжонга чорак финалда сўнги икки жаҳон чемпиони ғолиби россиялик Заур Угуев рақиблик қилди. Дастлаб Абдуллаев ҳисобда

орда қолаётган эди, кейин тарозини ўз палласига оғдира олди – 6:4. Беллашув тугашига бир неча сония қолганида россиялик полвон ҳисобни тенглаштирди ва сўнги баллни қўлга киритгани эвазига ғолибликка эришди.

Енгил атлетиканинг етти кураш йўналиши бўйича баҳсларга қўшилган спортчимиз Екатерина Воронина катта маҳорат намойиш қилди. У 100 метрга тўсиқлар оша югуриш ва 200 метрга югуриш дастурларида ўз шахсий рекордини янгилади. Шу куни Воронина 100 метрга тўсиқлар оша югуриш баҳсида 14.19 сония натижа қайд этиб, ўз ҳисобига 952 очко ёзиб қўйган бўлса, баландликка сакраш бўйича 1.77 метр натижа билан 941 очкога, ядро улоқтириш баҳсларида 13.76 метр натижа билан 778 очкога, 200 метрга югуриш баҳсларида 24.67 сония натижа билан 917 очкога, жами 3 588 очкога эга бўлди.

ЎН УЧИНЧИ КУН

Эрта тонгдан яна баҳсларга қўшилган кўпкурашчимиз Екатерина Воронина узунликка сакраш бўйича 6.11 метр натижа қайд этиб, ўз гуруҳида учинчи кўрсаткичга эга бўлди. Бу натижа унга 883 очко тақдим қилди. Найза улоқтириш баҳсларида эса вакиламиз 49.88 метр кўрсаткич билан 858 очкони қўлга киритди. Таъкидлаш жоиз, мусобақа давомида пешқадамлар сарасида кетаётган нидерландиялик Надин Брорсен, британиялик Катерин Жонсон-Топсон, Буркина-Фасо вакиласи Марте Коала турли дастурларда иштирокчи якунлай олмасдан баҳсларни эрта тарк этишди. Охиригача курашган ҳамюртимиз эса сўнги 800 метрга югуриш баҳсларида 2:09.73 дақиқа натижа қайд этди. Бу кўрсаткич ҳамюртимизга 969 очко тақдим қилди. Умумий ҳисобда 6 298 очко жамғарган Екатерина Воронина «Токио – 2020»ни 12-поғонада якунлади.

Енгил атлетиканинг баландликка сакраш баҳсларида юртимиз спорт шарафини ўз фаолияти давомида 4 марта Олимпия ўйинларида иштирок этган Светлана Радзивил ва MVSMнинг ёш вакиласи Сафина Садуллаева ҳимоя қилишди. Радзивил учун бу галги Олимпиада ўта муваффақиятсиз якунланди. У саралаш доирасида 1.90 метр баландликни уч уринишда забт этди, 1.93 метр баландликдан эса ошиб тушолмади. MVSM вакиласи Сафина Садуллаева эса 1.95 метр баландликни забт этиб, финалда қатнашувчи 14 нафар кучли иштирокчи сафига қўшилди.

5 август куни маҳоратли эркин курашчимиз Бекзод Абдураҳмонов (-74 кг) ҳам «Токио – 2020»даги иштирокини бошлади. Дастлабки даврада у

ЖЖЖШШ

Пуэрто-Рико вакили Франклин Гомес билан рақобатлашди. Беллашув полвонимиз устунлигида ўтди ва мuddатидан аввалги ғалабаси билан хотима топди. Чорак финалда у россиялик Заурбек Сидаковга қарши гиламга чиқди. Афсуски, ушбу беллашув икки карра жаҳон чемпиони Сидаковнинг ғалабаси билан якунланди. Бир кун аввал эркин курашчиларимизни мағлуб этган россиялик Заур Угуев (-57 кг) ва эронлик Ҳасан Яздани (-86 кг) ўз баҳсларини яна муваффақиятли давом эттириб, фи-

налга йўл олишгани боис ҳамюртларимиз Ғулумжон Абдуллаев ва Жавраил Шапиевда бронза медаль учун курашни давом эттириш имконияти пайдо бўлди. Эркин курашчимиз Абдуллаев (-57 кг) ўтиш босқичида АҚШ вакили Томас Гилманга қарши кечган баҳсда ютқазиб қўйди. Шапиев (-86 кг) эса ўтиш босқичида жаҳон чемпионатининг бронза медали соҳибши швейцариялик Стефан Рейхмутга қарши курашди. Муросасиз баҳсда вакилимизнинг қўли баланд келди. Шу куни полвонимиз «Токио – 2020» бронза медали учун курашни давом эттирди ва ҳал қилувчи баҳсда унга россиялик Артур Найфонов рақиблик қилди. Қизиқарли ва ўта муросасиз кечган курашда россиялик полвон ғалаба қозониб, бронза медалга сазовор бўлди. Учрашувда 2:0 ҳисоби қайд этилди.

«Токио – 2020» Олимпия ўйинларида спортчиларимиз забт этган янги спорт тури замонавий бешкураш бўлди. Аёллар ўртасидаги саралаш баҳсларида ҳамюртимиз Алиса Фахрутдинова курашга киришди. Дастлаб қиличбозлик бўйича беллашувлар бўлиб ўтди. Ҳамюртимиз 35 жангдан 16 тасида ғалаба қозонди ва бу унга 196 очко ҳамда 22-поғонани тақдим қилди. Шу куни эркалар ўртасидаги баҳсларда вакилимиз Александр Савкин ҳам қатнашиб, қиличбозлик бўйича жанглари ўтказди.

ЎН ТЎРТИНЧИ КУН

«Токио – 2020» Олимпия ўйинларининг навбатдаги куни спортчиларимиздан биринчи бўлиб баҳсларга MVSM вакиллари кичик сержант Нилуфар Зокирова ва кичик сержант Дилноза Раҳматова киришди. Олимпия ўйинларида илк бор иштирок этаётган қизларимиз каноеда эшак эшиш бўйича 500 метр масофа жуфтлик баҳсларининг саралаш босқичида 2:04.854 сония натижа кўрсатди. Бу уларга чорак финалда курашни давом эттириш имконини берди. MVSM вакиллари бу босқичдан ҳам муваффақиятли ўтди, яъни 2:04.450 дақиқа вақт билан ўз гуруҳида маррага иккинчи бўлиб етиб келди ва ярим финалга йўл олди.

Саломатлиги боис «Токио – 2020»да иштирок этмаган бадий гимнастикачимиз Сабина Ташкенабаева ўрнига баҳсларда қатнашган иккинчи вакилимиз Екатерина Фетисова ҳалқада 19.800 балл, тўпда 19.400 балл, булавада 17.950 балл, тасмада 18.350 балл, умумий ҳисобда 75.500 балл жамғариб, мусобақада 24-натижани қайд этди.

Замонавий бешкурашчимиз Алиса Фахрутдинова дастлаб 200 метр масофага сузиш баҳсларида қатнашиб, 2:16.45 дақиқа вақт қайд



БЕКЗОД АБДУРАҲМОНОВДА БРОНЗА МЕДАЛЬ

Эркин курашчимиз, 2 карра жаҳон чемпиони совриндори, 2 карра Осие ўйинлари чемпиони Бекзод Абдураҳмонов (-74 кг) «Токио – 2020» Олимпия ўйинларининг бронза медалига сазовор бўлди.

Ушбу муваффақиятга эришиш спортчимиз учун осон кечмади. Абдураҳмонов дастлаб Пуэрто-Рико вакили Франклин Гомесни катта устунлик билан мағлуб этди. Чорак финалда унга икки карра жаҳон чемпиони россиялик Заурбек Сидаков қарама-қарши келди. Деярли тенгма-тенг кечган беллашувда Сидаков ғалаба қозонди. Заурбек финалга ҳам етиб борганлиги учун Бекзод ҳам бронза медаль учун курашни давом эттирди. У ўтиш босқичида Гвинея-Биссау вакили Мидана Аугистони мағлубиятга учратди. Бронза медаль учун кураш 2019 йилги жаҳон чемпиони совриндори қозғистонлик Данияр Кайсановга қарши кечди. Бу беллашувда Абдураҳмонов рақибини тезкор ҳаракатлари ва абжирлиги билан енгиб, «Токио – 2020» Олимпия ўйинларининг бронза медали билан тақдирланди.

O'zbekiston raqamlarda

2021 yilning 1-yanvar holatiga ko'ra, respublikamizda jami 52 105 ta sport inshooti tashkil etilgan. Yillar kesimida tashkil etilgan sport inshootlari soni:

- 2016-yilda – 50 853 ta
- 2017-yilda – 51 306 ta
- 2018-yilda – 51 583 ta
- 2019-yilda – 51 651 ta
- 2020-yilda – 52 105 ta

Manba: stat.uz



ЎЗГИ ОЛИМПИАДА ЎЙИНЛАРИ



Этди ва ўз ҳисобига 278 очко қўшиб қўйди. Фахрутдинова от спортида 226 очко жамғаришга муваффақ бўлди. У югуриш ва ўқ отиш баҳслари бирлашган лазер-ран дастурида 13:55.66 дақиқа вақт сарфлади. Умумий ҳисобда эса вакилимиз тўплаган очколар сони 1 165 ни ташкил этди ва мусобақани 30-поғонада якунлади. Мусобақа ғолиблиги 1 385 очко билан Олимпиада рекордини янгилаган британиялик Кейт Френчага насиб этди.

Эркин кураш бўйича «Рио – 2016» Олимпия ўйинлари совриндори бўлган ҳамюртимиз Магомед Ибрагимов (-97 кг) туркиялик Сулаймон Караденизга қарши гиламга чиқди. Ибрагимов олдинда бораётган бир вазиятда Карадениз ҳисобни тенглаштиришга муваффақ бўлди ва сўнгги очкони олгандаги устунлиги эвазига кейинги даврга йўл олди. Ҳамюртимиз Бекзод Абдурахмонов эса бронза медаль учун ҳал қилувчи беллашувни 2019 йилги жаҳон чемпионати совриндори Данияр Кайсановга қарши ўтказди. Тезкор ҳаракатлари ва абжирлиги билан устун келган Абдурахмонов якунда ўз ғалабасини тантана қилиб, «Токио – 2020» Олимпия ўйинларининг бронза медали билан тақдирланди.

ЎН БЕШИНЧИ КУН

MVSM вакиллари кичик сержант Нилуфар Зокирова ва кичик сержант Дилноза Раҳматова жуфтлиги 500 метр масофага ўтказилган 2-ярим финал гуруҳида маррага охирги бўлиб етиб келди ва улар асосий финал гуруҳида иштирок этиш имкониятини қўлдан бой берди.

Бадий гимнастика бўйича гуруҳ машқларида иштирок этган қизлар жамоамиз саралаш босқичини 9-поғонада якунлади. Дастлабки чиқишда 42.100 балл жамғарган қизларимиз 3 ҳалқа ва 2 булавада ўтган иккинчи машқда бироз омадсиз иштирок этишди ва уларнинг чиқиши 36.900 балл билан баҳоланди. Афсуски, бу натижа финал учун ажратилган 8-ўринга кириш учун етарли бўлмади.

Замонавий бешкураш бўйича эркаклар ўртасидаги беллашувларда MVSM вакили Александр Савкин иштирок этди. Қиличбозлик баҳсларидан сўнг 142 очко билан 36-поғонада турган Савкин, 200 метрга сузиш беллашувидан сўнг бир поғона юқорилашга эришди. Ушбу дастурда масофани 2:06.64 дақиқада сузиб ўтган Александр яна 297 очко ишлаб олди. Вакилимиз сўнгги дастурда лазер-ран бўйича рақобат олиб борди. Ушбу дастурда 11:55.96 натижа қайд этган Савкин 585 очко жамғарди. Якунда эса унинг очколари 1 303 тани ташкил қилди. Бу натижа

вакилимизнинг 32-поғонадан жой олишини таъминлади. Қайд этиш жоиз, бу спорт турида юртимиз вакиллари Олимпия ўйинларида илк бор қатнашди ва баҳслар биз учун улкан тажриба бўлди.

MVSMнинг ёш енгил атлетикачиси Сафина Садуллаева баландликка сакраш бўйича финал дастурида дунёнинг кучли спортчилари билан муносиб беллашди. 1.96 метр баландликни иккинчи уринишда забт этган Садуллаева «Токио – 2020»да олтинчи натижани қайд этди. Олтин медални қўлга киритган россиялик Мария Ласитскененинг кўрсаткичи эса 2.04 метр бўлди.



ЎЗБЕК БАҲОДИРИ – ЧЕМПИОН!

Жаҳон чемпиони, «Токио – 2020» Олимпия ўйинларидаги делегациямиз байроқдори Баҳодир Жалолов (+91) Ўзбекистон мустақиллигининг ўттиз йиллигига муносиб совға тухфа қилди.

Маҳоратли боксчимиз финалгача бўлган йўлда озарбайжонлик Магомед Абдуллаев, ҳиндистонлик Сатиш Кумар ва британиялик Фрейзер Кларкни мағлуб этди. Унга финалда америкалик Ричард Торрес қарама-қарши келди. Бу боксчилар 2019 йилги жаҳон чемпионатининг чорак финалида ўзаро тўқнаш келган ва Жалолов рақибини нокаутга учратганди. Токиодаги тўқнашувда ҳам боксчимиз етакчилик қилди ва иккинчи раундда рақибини нокдаун ҳолатига туширишга ҳам муваффақ бўлди. Учинчи раундни ҳам ўз фойдасига ҳал қилган Баҳодир Жалолов совринлари қаторига Олимпия ўйинлари чемпионлигини ҳам қўшиб қўйди. Токиода музаффар боксчимиз шарафига Ўзбекистон байроғи кўтарилиб, мадҳиямиз янгради.

ISHTIROKCHI DAVLATLAR					
1	AQSh	39	41	33	113
2	XITOIY	38	32	18	88
3	YAPONIYA	27	14	17	58
4	BUYUK BRITANIYA	22	21	22	65
5	ROQ	20	28	23	71
16	J.KOREYA	6	4	10	20
27	ERON	3	2	2	7
32	O'ZBEKISTON	3	0	2	5
33	GRUZIYA	2	5	1	8
35	TURKIYA	2	2	9	13
41	QATAR	2	0	0	2
44	UKRAINA	1	6	12	19
45	BELARUS	1	3	3	7
48	HINDISTON	1	2	4	7
67	OZARBAYJON	0	3	4	7
70	QIRG'IZISTON	0	2	1	3
77	TURKMANISTON	0	1	0	1
83	QOZOG'ISTON	0	0	8	8

ЎН ОЛТИНЧИ КУН

XXXII ёзги Олимпиада ўйинларининг сўнгги куни боксчимиз Баҳодир Жалолов (+91 кг) финал жангини ўтказиб, ғалаба қозонди ва делегациямиз ҳисобига учинчи олтин медални тақдим этди. Баракалла!

ХАЙР, «ТОКИО – 2020», САЛОМ, «ПАРИЖ – 2024»!

Бундан беш йил муқаддам старт олган ва «Токио – 2020» номида юритилган XXXII ёзги Олимпиада ўйинлари ўз ниҳоясига етди. Унда иштирок этган 206 давлатдан 93 тасининг спортчилари медалларга эгалик қилишди. 113 давлат спортчилари эса олимп ўйинлари шиори бўлган «иштирок муҳим» тамойилига риоя этишди. Аввалги, яъни 2016 йилги Рио Олимпиадасида 87 та давлат вакиллари медалларга эгалик қилган, 120 га яқин давлат спортчилари совринлардан бебаҳра қолганди.

Олимпия майдонида Ўзбекистон спорт салоҳиятини намоиш қилиб келган кучли спортчилар доим бўлган ва бу гал ҳам азалий аънанани муносиб тарзда давом эттиришди. XXXII ёзги Олимпиада ўйинларида спортчиларимиз 3 та олтин ва 2 та бронза медални қўлга киритишди, шунинг иккитасига MVSM вакиллари (Улуғбек Рашитов, Давлат Бобонов) эришди. Умумжамоа ҳисобида Ўзбекистон 206 мамлакат орасида 32-ўринни эгаллади. Мамлакатимиз медаллар сифати бўйича Осиё давлатлари орасида Хитой, Япония, Жанубий Корея ва Эрондан кейин бешинчи, МДХ мамлакатлари орасида Россия Олимпия қўмитасидан кейин иккинчи, туркий давлатлар орасида ва Марказий Осиё минтақасида биринчи натижага эришди. Албатта,

бу натижа Янги Ўзбекистон учун, яқинлашиб келаётган Мустақиллигимизнинг 30 йиллик шодиёнаси учун спортчиларимиздан муносиб совға бўлди.

Ушбу Олимпиадада 93 мамлакат медал олдиди, уларнинг 65 таси олтин медалга сазовор бўлди. Қозоғистон эса ўз тарихида илк бор Олимпиадан олтин медалсиз қайтди.

Бермуд ороллари, Филиппин, Қатар давлатлари илк бор Олимпия ўйинларида олтин медални қўлга киритган бўлса, Буркина-Фасо, Сан-Марино, Туркменистон мамлакатлари илк бор Олимпия ўйинларида медал олдиди.

«Токио – 2020» Олимпия ўйинларининг тантанали ёпилиш маросимида Олимпия байроғи Париж шаҳри спорт мутасаддиларига топширилди. Яна 3 йилдан сўнг «Париж – 2024»да ҳам ўзбек спортининг зафарли юриши давом этишига ишонамиз. Бунга Токиода ёшларимиз ишонтиришди. Хусусан, MVSM ёш енгил атлетикачиси Сафина Садуллаева илк бор Олимпиадада иштирок этишига қарамай дунёнинг энг кучли спортчилари билан тенг курашларда 6-ўринни эгаллаши, қиличбозимиз Зайнаб Дайибекова, оғир атлетикачи Муаттар Набиева 4-ўрин билан кифояланган бўлса-да, Олимпия рекордини қайд этиши, эркин курашчимиз Жавраил Шапиев сингари бир қатор спортчиларимизнинг сўнгги ҳал қилувчи вазиятда Олимпия медалисиз қолганлиги каби жиҳатлар Ўзбекистон спортининг оламшумул ғалабалари ҳали олдиндалигидан далолат беради. Хайр, «Токио – 2020», салом, «Париж – 2024», деб қоламиз!

Расул ЖУМАЕВ,
«Vatanparvar»



ИСТИҚЛОЛ НЕЪМАТЛАРИ

1 сентябрь – Мустақиллик куни, мамлакатимиз истиқлолга эришган кундир. Ушбу кунда жаҳон харитасида янги, мустақил ва суверен давлат – Ўзбекистон Республикаси пайдо бўлган, халқимизнинг асрий орзу-интилишлари рўёбга чиққан буюк тарихий сана бўлиб, эл-юртимиз томонидан энг улғу, энг азиз байрам сифатида доимо катта шоду хуррамлик билан нишонланиб келинади.

Мустақиллик бу – давлатнинг ички ва ташқи ишларда бошқа давлатларга қарам бўлмайдиган фаолият кўрсатиши. Мустақиллик тамойилларига риоя этиш давлатлараро ўзаро муносабатларда етакчи, ҳукмрон қоидадир. Ҳар бир давлатнинг мустақиллигини тан олиш ўзаро тинч-тотув яшашнинг принципларидан биридир.

Бизнинг Ватанимиз – Ўзбекистон Республикаси ўзининг давлат мустақиллигини қўлга киритгани ва мустақил тараққиёт йўлини бошлаганига 30 йил тўлади. Истиқлол эл-юртимиз учун ўз тақдирининг ҳақиқий эгаси бўлиб, кадр-қимматини англаб, муносиб ҳаёт кечириш, юртимизда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш имкониятини яратди. Айни пайтда у ҳар бир одамнинг иқтисодий, ижтимоий соҳаларда истеъдод ва қобилиятини тўла намоён этиши, ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқаришининг мустақам заминидир.

Мустақиллик туфайли Ўзбекистонни дунёнинг 170 дан ортиқ мамлакатини тан олди, 125 дан ортиқ давлат билан расмий дипломатик муносабатлар ўрнатдик. Шу билан бирга, мустақиллик йилларида давлатимизнинг ташқи сиёсий ва иқтисодий алоқаларни ривожлантиришдаги ҳуқуқий тамойиллари ишлаб чиқилди.

Ҳозирги пандемия шароитида замон, инсоният ўзгараётганининг гувоҳи бўлмоқдамиз. Ҳаммамиз эркинлик, очиқлик, ошқоралик шароитида ишлашга ўрганмоқдамиз. Зеро, барча ривожланган давлатлар, дунё ҳамжамияти шундай яшамокда ва шу йўлни тўғри деб биламоқда. Дарҳақиқат, даврнинг, ҳаётнинг кескин талабларидан орқада қолмаслик учун барчамиз ҳар куни ўқиб-ўрганишимиз, ўз устимизда ишлашимиз, билим ва савиямизни доимо ошириб боришимиз, ҳуқуқимизни билиб, бошқаларни уни ҳурмат қилишга ўргатиб, ишонтириб, инонтиришимиз керак.

Оқилона олиб борилган сиёсат туфайли Ўзбекистонимиз саноати тез суръатлар билан ўсиб, иқтисодий қудрати ва салоҳияти юксалиб бораётган давлатга айланди. Қисқа фурсат мобайнида мамлакатимизда давлат ва нодавлат ташкилотлари томонидан халқ билан очиқ ва самарали мулоқот олиб бориш тизими йўлга қўйилди. Бунинг натижасида

фуқароларнинг кўплаб мурожаат ва муаммолари қонуний ҳал этила бошлади. Жамиятда тадбиркорлик муҳити жонлантириб юборилди. Ишбилармонларга давлат томонидан қўлай имкониятлар яратиб берилди. Ҳар бир оилада тадбиркорликка, ўзини ўзи боқишга, реал даромадга эга бўлишга мойиллик ҳисси шакллантирилмоқда, ташаббуслар рағбатлантирилмоқда. Буларнинг бари мамлакатда ишлаб чиқариш ва хизматларнинг мисли кўрилмаган турлари, кўплаб янги иш жойлари юзага келишига асос бўляпти. Халқ онг-тафаккури, дунёқарашининг ўзгаргани – мустақиллик йилларида эришган энг катта бойлигимиз.

Башарият тарихи шундан гувоҳлик берадики, ҳеч бир мамлакат ўзи ёлғиз ҳолда тараққиёт этган эмас. Чунки мураккаб дунёнинг кўпдан-кўп муаммолари айнан ҳамкорликда, дўстона тарзда ҳал этилади. Шу жиҳатдан қараганда, Ўзбекистонимизда хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руждаги ташқи сиёсат юритиш орқали давлатимиз мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлаш, қўшниларимиз билан рақобат қилиш эмас, балки ҳамкорлик қилиш, минтақамиздаги муаммоларни биргаликда ҳал этиш тамойилига қатъий



амал қилинади. Давлатнинг халққа бундай эътибори натижасида одамларнинг руҳиятида катта ўзгариш юз берди. Фуқароларнинг ижтимоий фаоллиги ортди, сиёсий хабардорлик даражаси кўтарилди. Мустақиллик туфайли Ўзбекистон халқаро миқёсда ўзини танитиш, айни чоғда халқаро ҳуқуқ меъёрлари асосида жаҳондаги барча давлатлар билан тенг ҳамкорлик қилиш имкониятини қўлга киритди. Жаҳон харитасида Ўзбекистон янги, ёш мустақил давлат сифатида ўз ўрнига эга бўлди. Иқтисодиётда туб ўзгаришлар қилиш учун имконият яратилди. Яъни жаҳон амалиёти исботлаган бозор иқтисодиётига ўтиш учун шароит барпо этилди. Мулкка муносабат тубдан ўзгариб, жамиятда янги мулкдорлар синфини шакллантириш учун имкон очилди.

Мустақиллик халқнинг маънавий уйғониши учун тўла имконият яратди. Юрт тарихи, қадимий маданият тиклана бошлади. Халқнинг азалий урф-одатлари, маънавий қадриятлари унга қайтариб берилди. Динга муносабат мутлақо ижобий

томонга ўзгарди. Шундай қилиб, қўлга киритилган Мустақиллик ўзбек халқи тарихида тамоман янги даврни бошлаб берди, миллий дунёқарашда янги тафаккур шакллана борди. Халқ келажакка ишонч билан қарай бошлади. Ўз юртининг тўла хўжайини эканлигини, ўз тақдирини ўзи белгилаш имкониятини қўлга киритганлигини ҳис қила бошлади.

Бир сўз билан айтганда, мустақиллигимизнинг буюк неъматини – бугун юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталикни, халқимизнинг осуда ҳаётини, гўзал ва бетакрор Ватанимизни, чегараларимизнинг дахлсизлигини кўз қорачиғидек асраб-авайлашимиз зарур. Зеро, юртимиздаги тинчлик, хотиржамликни қадрга етиш ҳар биримизнинг ўз ишимизга масъулиятни янада оширишни, фаолиятимизда бунёдкорлик сари интилишни тақозо этади.

**Подполковник
П. НОСИРОВ,
Мудофаа вазирлиги
Тарбиявий ва
мафкуравий ишлар
бош бошқармаси**

O'zbekiston raqamlarda

World Happiness Report hisobotiga ko'ra, O'zbekiston baxtli mamlakatlar reytingida 42-o'rinni egalladi va MDH davlatlari orasida birinchilikni saqlab qoldi. Umumiy reyting keyingi o'rinlarida:

**Qozog'iston – 45
Moldova – 65
Qirg'iziston – 67
Belarus – 75
Rossiya – 76
Tojikiston – 78
Armaniston – 86
Ozarbayjon – 90
Turkmaniston – 97
Ukraina – 110.**

Reyting boshida – Finlyandiya, Daniya, Shveysariya, Islandiya va Niderlandiya, so'nggi o'rinlarda – Lesoto, Botswana, Ruanda, Zimbabve va Afg'oniston.

Manba:
worldhappiness.report

Muvofiqlashtiruvchi kengash yig'ilishi

КЕЛГУСИ РЕЖАЛАР МУҲОКАМАСИ

Андижон ҳарбий прокуратураси томонидан Мудофаа вазирлигига қарашли ҳарбий қисм мажлислар залида Андижон гарнизонидаги барча ҳарбий қисм ва муассасалар командирлари (бошлиқлари) ва уларнинг ўринбосарлари иштирокида 2021 йил 6 ойи давомида ҳарбий қисм ва муассасаларда жинойтчилик, қонунийлик аҳволи, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда унга қарши курашиш, ҳарбий интизомни мустаҳкамлаш борасида амалга оширилган ишлар юзасидан мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилиши ўтказилди.

Унда 2021 йил 6 ойи давомида амалга оширилган ишлар билан бир қаторда йўл қўйилган хато ва камчиликлар танқидий муҳокама қилинди. Шунингдек, мамлакатимиз мудофаа салоҳиятини ривожлантириш бўйича ислохотларни, хусусан, Қуроли Кучлар қудратини, қўшинларнинг профессионал ва жисмоний салоҳиятини юксалтириш, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишларини давом эттириш йўналишларидан келиб чиқадиган вазифалар ва 2021 йилнинг 2-ярмида амалга ошириладиган чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Тадбирда Андижон гарнизони ҳудудидаги қўшинларда жинойтчилик ва ҳарбий интизом, қонунийликни мустаҳкамлаш, ҳарбий хизматчилар ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, жинойтчилик ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида тушунтиришлар берилди.

**Дилмурод ҲАМРОЕВ,
Андижон ҳарбий прокуровори**

SAYLOV – 2021



24
O'ZBEKISTON
PREZIDENTI
SAYLOVI

Сайлов жараёни сайлов кампаниясини эълон қилиш, сайлов комиссияларини тузиш, номзодлар кўрсатиш, уларни рўйхатга олиш ва сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш билан боғлиқ бир қатор босқичлардан иборат бўлиб, уларнинг мазмун-моҳиятини тўғри англаш муҳим аҳамиятга эга. Мазкур рукн остида берилаётган савол-жавоблар сайлов билан боғлиқ масалаларни осон ва асослангилган тарзда тушунишингизга ёрдам беради, деган умиддамиз.

ВАТАН ТАҚДИРИГА ДАХЛДОРЛИК ҲИССИ

салар ва ташкилотлар томонидан таклиф этилиб, бу номзодлар халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашларининг мажлисларида муҳокама қилинади ҳамда тегишли округ сайлов комиссиясига тасдиқлаш учун тавсия этилади.

шахслар округ ва участка сайлов комиссиясининг аъзоси бўлиши мумкин эмас.



1. Сайлов участкалари ким томонидан ва қандай тузилади?

Сайлов участкалари туманлар ва шаҳарлар ҳокимликларининг тақдимномасига биноан округ сайлов комиссиялари томонидан тузилади.

Сайловчиларга имкон қадар кўпроқ қулайлик яратиш мақсадида сайлов участкалари туманларнинг, шаҳарларнинг, шаҳарлардаги туманларнинг чегаралари инobatга олинган ҳолда тузилади. Участкалар ҳарбий қисмларда ҳам тузилади ва қисмлар жойлашган ердаги округларга киради. Сайлов участкаларининг чегаралари бошқа сайлов округларининг чегараларини кесиб ўтмаслиги керак.

Сайлов участкалари сайловга камида олти кун қолганида, яъни 2021 йил 25 августгача, қоида тариқасида, сайловчилар сони камида йигирма нафардан ва кўпи билан уч минг нафардан ошмаган ҳолда тузилади. Ҳарбий қисмларда, Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳузурида, шунингдек, олис ва бориш қийин бўлган ҳудудлардаги фуқаролар турган жойларда, қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойларида сайлов участкалари ана шу муддатда, айрим ҳолларда эса сайловга камида етти кун қолганида тузилади.



2. Участка сайлов комиссияси ким томонидан ва қандай тузилади?

Участка сайлов комиссияси округ сайлов комиссияси томонидан сайловга камида қирқ кун қолганида, яъни 2021 йил 14 сентябргача беш-ўн тўққиз нафар аъзодан, шу жумладан, раис, раис ўринбосари ва котибдан иборат таркибда тузилади.

Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналарида участка сайлов комиссияси раисининг вазифаларини ушбу ваколатхоналарнинг раҳбари амалга оширади.



3. Участка сайлов комиссияси аъзолигига номзодлар ким томонидан тавсия этилади?

Участка сайлов комиссияси аъзолигига номзодлар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналари, муассас-



4. Участка сайлов комиссияси қандай ваколатларга эга?

Участка сайлов комиссияси:

- участка бўйича сайловчиларнинг рўйхатини тузади;
- сайловчиларни сайловчиларнинг рўйхати билан таништиради, рўйхатда йўл қўйилган хатолар ва ноаниқликлар тўғрисидаги аризаларни қабул қилади ҳамда кўриб чиқади ва рўйхатга тегишли ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги масалани ҳал этади;
- сайлов куни ўз яшаш жойида бўлиш ва овоз беришда иштирок этиш имкониятига эга бўлмаган сайловчилардан тўлдирилган сайлов бюллетенларини ёпиқ конвертларда қабул қилиб олади;
- аҳолини сайлов куни ва овоз бериш жойи тўғрисида хабардор этади;
- бинонинг яширин овоз бериш кабиналари ёки хоналари ва сайлов қутилари, шунингдек, бошқа жиҳозлар билан тайёрлаб қўйилишини таъминлайди;
- сайлов куни участкада овоз беришни ташкил этади;
- овозларни санаб чиқади;
- сайловчиларнинг ва сайлов жараёни бошқа иштирокчиларининг мурожаатларини кўриб чиқади.

йўл қўйилган хатолар ва ноаниқликлар тўғрисидаги аризаларни қабул қилади ҳамда кўриб чиқади ва рўйхатга тегишли ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги масалани ҳал этади;

– сайлов куни ўз яшаш жойида бўлиш ва овоз беришда иштирок этиш имкониятига эга бўлмаган сайловчилардан тўлдирилган сайлов бюллетенларини ёпиқ конвертларда қабул қилиб олади;

– аҳолини сайлов куни ва овоз бериш жойи тўғрисида хабардор этади;

– бинонинг яширин овоз бериш кабиналари ёки хоналари ва сайлов қутилари, шунингдек, бошқа жиҳозлар билан тайёрлаб қўйилишини таъминлайди;

– сайлов куни участкада овоз беришни ташкил этади;

– овозларни санаб чиқади;

– сайловчиларнинг ва сайлов жараёни бошқа иштирокчиларининг мурожаатларини кўриб чиқади.



5. Кимлар округ ва участка сайлов комиссиясининг аъзоси бўлиш ҳуқуқига эга?

Йигирма бир ёшга тўлган, ўрта ёки олий маълумотга, қоида тариқасида, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш борасида иш тажрибасига эга бўлган, аҳоли ўртасида обрў-эътибор қозонган фуқаролар округ ва участка сайлов комиссиясининг аъзоси бўлиши мумкин.



6. Сиёсий партиянинг аъзолари сайлов комиссияларининг аъзоси бўлиши мумкинми?

Сиёсий партияларнинг аъзолари округ ва участка сайлов комиссиясининг аъзоси бўлиши мумкин эмас.

Бундан ташқари, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари, прокуратура органларининг, судларнинг мансабдор шахслари, номзодларнинг яқин қариндошлари ва ишончли вакиллари, шунингдек, номзодларга бевосита бўйсунувчи



7. Участка сайлов комиссияси аъзоларининг қанчаси битта ташкилот вакиллари бўлиши мумкин?

Участка сайлов комиссияси аъзоларининг ярмидан кўпи битта ташкилотдан тавсия этилиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳузурида, ҳарбий қисмларда, санаторийларда ва дам олиш уйларида, касалхоналарда ҳамда бошқа стационар даволаш муассасаларида, қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум қилиш жойларида ташкил этилган участка сайлов комиссиялари бундан мустасно, яъни ушбу қоида татбиқ қилинмайди.



8. Сайлов комиссияларининг мажлисларида кимлар қатнашиши мумкин?

Сайлов комиссиялари ўз фаолиятини очик ва ошкора амалга оширади.

Сайлов комиссиясининг мажлисларида сиёсий партияларнинг, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан, бошқа давлатлардан, халқаро ташкилотлардан кузатувчилар ҳозир бўлиши мумкин.



9. Сайлов комиссияларининг қарорлари устидан шикоят қилиш мумкинми?

Ҳа, мумкин. Сайлов комиссияларининг қарорлари устидан қарорлар қабул қилинганидан кейин беш кун ичида судга шикоят қилиш мумкин.

Сайлов комиссиясининг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоят суд томонидан шикоят берилган кундан эътиборан уч кундан кечиктирмай кўриб чиқилиши, агар сайловга олти кундан кам вақт қолган бўлса, дарҳол кўриб чиқилиши лозим.

Марказий сайлов комиссиясининг қарорлари устидан қарор қабул қилинганидан кейин беш кун ичида Ўзбекистон Республикаси Олий судига шикоят қилиниши мумкин.

(Давоми бор)

Мудофаа вазирлиги
Тарбиявий ва мафқуравий
ишлар бош бошқармаси
томонидан тайёрланди.

"VATAN TARAQQIYOTIGA MENING HISSAM"

ОНА ЮРТИМНИНГ БУЮК ФАРЗАНДЛАРИ

«Мени йўқламанг, она. Мени бежиз кетди ҳам деманг. Дунёда бундан кейин уруш бўлмаса, янги кўз очган боланинг ингалагани – ўша мен, бўй етган қизларнинг севги тўла ёниқ кўзлари – ўша мен, ниҳолларда кўкарган куртук – ўша мен, далада униб чиққан экин – ўша мен, муаллимнинг болаларга биринчи ўргатган «а» ҳарфи – ўша мен, ўшанинг бари мен, мен деб билиб юринг, онажоним!»

Ёдингизга тушдими?! Ҳа, бу ўша «Сомон йўли»даги ўзини муаллимликка бағишламоқчи бўлган, бироқ дахшатли уруш қурбонига айланган ёш ўспирин Майсалбекнинг фронтда онасига ёзган сўнги мактуби. Минг афсуски, ўша вақтлардаги қонли уруш фақат Майсалбекни ҳаётдан олиб кетмади, фақат уни ажал ботқоғига отмади, шўрлик Тўлғаной аянигина фарзанд доғида ўртамади, ёш Алиманигина тул қолдирмади. Минглаб, миллионлаб инсонлар бошига азобли мусибат солди...

Юқоридаги мактубдан келтирилган парча шунчаки қиссадангина иборат эмас. Уруш йилларига гувоҳ бўлган адабиётнинг ҳикояси. Уни ўқиган ҳар бир ўқувчининг кўзига ёш тўлади. Ўтган кунларга ачинади. Шиддатли воқеалар ривожини хайрли якун топишини ич-ичидан истайди. Бироқ уруш қурбонсиз кечмайди. У раҳм-шафқатни ҳам билмайди. Аммо китобни якунлаб, бугунги тинч-тотув кунлар учун шукрона айтади киши.

Шукурки, бари ортда қолди. Бироқ урушга кирган, уни кўрган, яқинларини йўқотган замондошларимизнинг қалбларидаги оғриқ кетмаган. Шундай бўлса-да, бугунги дориламон замон улар учун чинакам малҳам. Тинч юрт, мусаффо осмон, кўрқув ва ҳадиксиз ҳаёт улар учун олий мукофот. Энг улуғ неъмат.

Раҳматли бобом ҳам биз учун ўша мудҳиш замоннинг тирик қаҳрамони эди. Урушнинг охиргача фронтда хизмат қилган ва бу ҳақда кўп сўзлаб берган. Ҳалок бўлган дўстларини кўп хотирлаган. Бобомнинг ўнг қўлларидаги кўрсаткич бармоқлари йўқ эди. Онамнинг айтишларича, Ленинграддаги урушда ўқ теккан. Елка ва бош қисмларида ҳам жароҳатларнинг изи бўлган.

Эсимда, китоб жавонида медаллар солинган қутича турар эди. Барчаси бобомнинг кўкрак нишонлари. Қизиқиб шунчаки таққан пайтларимиз ҳам бўлган. Бугун улғайиб, тушуниб етдикки, улар бобомнинг жасорати, сабр-матонати, ватанпарварлиги учун берилган мукофот экан. Ўша вақтларни болаликка йўйиб айтганда, кўкрак нишонларини тақинчоқ сифатида кўрган бўлсак, бугун қаҳрамонлик рамзи сифатида асраймиз, мардликлари ҳақида фахрланиб гапираримиз. Уруш ўчоғида озодлик учун курашганини ғурур билан ёд этамиз...

Бир сўз билан айтганда, бугунги фаровонлик, тинчлик ўтмиш учун армон эди. Ҳозир ҳам қайсидир макон учун орзу бўлиб келмоқда. Шукурки, биз учун рост! Уни онамизнинг меҳри кўзларида кўриб, ўпамиз. Отамизнинг қадок қўлларида кўриб, қучамиз. Эр йигитларимизнинг шаҳти ва шижоатида кўриб, хотиржам тортамыз. Бизга келган ҳар яхшилик тинчлик сабабли, деб ҳаётдан миннатдор бўламиз. Хотиржам отган ҳар тонгга, ҳар кунга шукур қиламыз.

Кўпни кўрган ёши улуғларимиз бизни – бахтлилар, деб аташади. Аслида ҳам шундай. Уруш кўрмадик, кўрмайлик ҳам! Биз янги ҳаёт, янги замонда туғилдик. Тинч, осуда юртда яшаймиз. Имконият кенг, шароитлар муҳайё. Илму ҳунар этагини тутмоқдамиз.

Бугун шаҳардан то чекка қишлоқларгача қурилган илм ўчоқлари ёшлар билан



гавжум. Барча соҳанинг ўз истеъдодлари етишмоқда. Уларнинг бахтини, эришаётган муваффақиятларини кўриб, қувонади киши. Фан-техника, таълим, маданият, санъат, спорт соҳаларида ютуқлар кўпаймоқда. Давлатимиз раҳбари ёшларга бугун ва



келажакни белгилайдиган куч сифатида қараб, имконият эшикларини кенг очмоқда. Қувонарлиси, бу эзгу ишлар кўлами йилдан йилга кенгаймоқда. Ҳақиқатан ҳам ҳар қандай давлатнинг тараққиёт йўли ўша



давлатдаги ёшларнинг таълим-тарбияси ва келажакга бериладиган эътиборга боғлиқ. Юрт келажакни кучли, билимли ва бахтли ёшлар қура олади. Орамизда бундай ёшлар сафи тобора кенгайиб, улар ижодий ва интеллектуал салоҳияти билан намуна бўлиб келмоқда.

Ҳар даврнинг қаҳрамонлари бўлганидек, бугунги кун қаҳрамонлари ҳам орамизда. Улар ҳақида ҳам асрлар оша ҳикоя қилинади. Қайсидир ёзилмаган асарнинг янги қаҳрамонлари туғилади. Бизнинг замонлар ҳам дoston бўлади. Фақат китобхонлар бизга ачинмайди. «Сомон йўли»ни ўқигандек, йиғлаб ўқимайди. Чунки яралажак асарлар Мустиқилликнинг шонли тарихи ва унинг бахтли фарзандлари ҳақида сўзлайди.

**Қуролли Кучлар хизматчиси
Гулнисо САЙДАЛИЕВА
(Ангрен шаҳри)**

Tarix zarvaraglari

Тарихчи-журналист Мўмин Азизовнинг ажойиб тадқиқотларидан бирини ўқиб қолдим. Унда Амир Темурнинг ҳарбий стратегияси, қўшинни қурол-аслаҳа, ҳарбий анжомлар билан таъминлаш, муҳораба пайтида улардан оқилона фойдаланиш бўйича қизиқарли маълумотлар келтирилади.

СОҲИБҚИРОН ЖАНГЧИЛАРИНИ ҚАНДАЙ ҚУРОЛЛАНТИРГАН?

Тарихчи «Темур тузуклари»нинг «Сипоҳнинг яроқ-жаб-дуқлари ва анжом-жиҳозлари тузуги» баёнини келтирар экан, унда оддий аскарлардан тортиб, баҳодирлар, ўнбоши, юзбоши, мингбоши, шунингдек, лашкарбоши амирлар ғанимга қарши жанг қилиши учун қандай қурол-яроғ ва ҳарбий анжомларга эга бўлиши лозимлиги аниқ кўрсатиб ўтилганини таъкидлайди. Чунончи, ҳарбий юриш пайтида оддий аскар 2 от, бир камон, бир садоқ ўқ олиши шарт эди. Баҳодир аскарларнинг ҳар бири бир қилич, садоқ-ўқдон, камон ва 5 та от олсин, деб буйруқ берилган.

Амир Темур жангу жадаллар тарихи ёритилган китобларни қизиқиб ўқиган. «Шоҳнома» қаҳрамонларидан бири Сом Наримондан сўрабдилар: «Эй музаффар йўлбошчи, жанг безаги нимадир?» У жавоб берибди: «Шарофатли шохнинг нури, оқил саркарданинг дониши ва совут кийган ҳамда камон билан жанг қила оладиган жангчидир». Шунинг учун ҳам Амир Темур ўз ғанимлари билан курашда ўқчилар, қиличбозлар ва найзадорларга таянган. Жангу жадал пайтида ўқ-ёй, ойболта, қилич, гурзи, пичок, ханжар каби қурол-яроғни ўз ўрни келганда ишлатишга амр қилган. Ханжар асосан душманларнинг жангда қатнашадиган от ва туяларини йўқ қилишга мўлжалланган эди.

Муаррих Низомиддин Шомий бу тўғрида 1383 йил охирида Сеистонда бўлган жангдан мисол келтиради. Ўшанда душманларга қарашли от ва туяларнинг кўпи ханжар билан ўлдирилган эди.

Соҳибқирон ҳаёти давомида оз сонли жангчилар қатнашган кичик жанглари ҳам, шунингдек, Тўхтамышхон, Боязидга қарши муҳорабаларда 200 мингдан ортиқ сипоҳ иштирок этган йирик урушларнинг ҳам шохиди бўлган. Уруш учун эса лашкар етарли миқдорда қурол-яроғ билан таъминланиши лозим эди. Шу сабаб мамлакатнинг муҳим нуқталарида қурол-яроғ тайёрланадиган устахоналар ташкил этилган, уларда минглаб қуролсоз усталар ишлаган. Узоқ Испаниядан Самарқандга келиб, Амир Темур қабулида бўлган Руи Гонсалес де Клавихо «Самарқандга Темур саройига саёҳат кундалиги 1403 – 1406 йиллар» асарида Самарқанд чеккасидаги бир қалъада жойлашган қурол-яроғлар ясаладиган устахона ҳақида маълумот берган. Бу ерда мингга яқин қуролсоз уста мунтазам равишда совут, қалқон, ёй ва найзалар тайёрлаш билан машғул бўлган. Буюк саркарда усталардан аниқса, совут ва дубулғаларнинг сифатли ясалишини талаб қилган. Чунки ушбу анжомлар жангчининг асосий ҳимоя воситаси ҳисобланган.

Муҳим қуролсозлик устахоналаридан ташқари, ҳарбий юришлар пайтида қурол-яроғ ясайдиган кўчма устахоналар ҳам ишлаб турган. Соҳибқирон қуролсозлар сафини таслим этилган мамлакатлардан олиб келинган усталар билан тўлдириб борган. Масалан, Кичик Осиё ва Шом фатҳ этилгач, камон ишлаб чиқарувчи усталар, тўпчи-муҳандислар, бошқа қуролсозлар пойтахт Самарқандга олиб келинган.

Амир Темур жанг пайтида душманларга қақшатқич зарба беришга қодир энг мукамал қурол турларини яратиш ва улардан фойдаланишга катта эътибор берган. Шарқда биринчи бўлиб ўқотар қуролдан фойдаланиш соҳибқирон армиясида йўлга қўйилган. Кичик ўтли ўқларни отишга мўлжалланган раёдандоз ва катта ўқларни ёғдирувчи камони раёд ана шундай қуроллардан эди.

Амир Темур душманларининг қандай қуроллардан фойдаланишлари, уларнинг ўзини мудофаа қилиш воситаларига қараб жанг тактикасини ўзгартирган, ғанимларини енгиш учун улар кутмаган воситаларни ишга солган. Ҳиндистонга юриш пайтида Амир Темур қўшинлари биринчи марта ҳарбий филларга рўпара келади, шунинг учун уларда кўрқув пайдо бўлади. Шунда саркарда аскарларга сафлари олдида хандақлар қазиб, ғовлар билан мустаҳкамланган тупроқ деворлар, сарқуплар вужудга келтириши ва ерга тиканли симлар қоқишни буюради. Буқалар ва туялар бир-бирига маташтирилиб, улар устига шох-шаббалар ортилган. Филлар ҳужум бошлаши биланоқ шох-шабба боғламлари ёқиб юборилган. Алангани кўрган филларнинг бир қисми кўрқувдан орқага тисарилиб, ўз қўшинини топтай бошлаган. Қолганлари ерга қоқилган қозиклардан ва уч тишли дан-доналардан майиб-мажруҳ бўлган. Амир Темур бу жангда ана шундай усулни қўллаб, Деҳлини забт этади. Жангда қўлга киритилган филларни соҳибқирон ўз ҳарбий кучлари сафига қўшади.

Буюк лашкарбоши Амир Темурнинг ана шундай ҳарбий истеъдоди ва маҳорати, лашкарлари, қурол-яроғлардан оқилона ва моҳирона фойдалангани унинг зафарлари бош омили бўлган.

**Подполковник Даврон АБДУРАҲИМОВ,
Мудофаа вазирлиги бўлим бошлиғи**

ХОТИРА

«Қаҳрамонлар – орамизда яшайди», деган гап бежиз айтилмаган. Бундай инсонлар, қайси соҳада бўлмасин, ном ёки шуҳрат қозониш учун эмас, балки ўз ишини чин юракдан, фидойиларча қиладиларки, уларнинг ана шу эзгу амали, жасорати кўпчилик учун чинакам ибратга айланади.

АВВАЛ ВАТАН – КЕЙИН ЖОН...

ДХХ Чегара қўшинларига қарашли ҳарбий қисмининг бир гуруҳ ҳарбий хизматчилари, Музработ тумани ҳоқими Э. Алимов, Маънавият-маърифат бўлими раҳбари Ш. Холтўраев ҳамроҳлигида сарҳадларимиз дахлсизлиги йўлида ўз йигитлик бурчини адо этиб, қаҳрамонларча ҳалок бўлган мард, жасур чегарачи-қаҳрамон сержант Зиядулла Қўлдошевнинг хонадонига бўлдилар.

Бугун юртимизда вояга етган ҳар бир ўғлон миллий армиямиз сафида хизмат қилишни, ҳарбий либос кийиб, шу соҳада фаолият юритишни истайди. Бинобарин, армия йигитнинг дунёқарашини кенгайтиради, билимини ошириб, жисмонан

Зиядулла ҳарбий соҳага астойдил меҳр қўйгани учун муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлгач, контракт бўйича хизматни давом эттираётгани. У хизматдаги эришган муваффақиятлари учун бир неча бор қисм раҳбариятининг фахрий ёрлиқлари билан тақдирланди.

2000 йил август ойида Ўзбекистон жанубида мамлакат ҳудудига суқилиб қирган халқаро террорчилар тўдаси билан тўқнашувлар рўй берди. Келажак ҳақида хомхаёлларга берилган жангарилар билан мардонвор кураш олиб борган сержант Зиядулла Қўлдошев киндик қони тўкилган Ватанини ғаламис кучлардан ҳимоя қилиш чоғида,



чиниқтиради, мардлик фазилатларини мустаҳкамлайди. Ватанга содиқлик, меҳр-муҳаббат туйғуларини юксалтиради.

Эндигина 24 ёшни қаршилаётган Зиядулла ҳам ана шундай жасур ўғлонлардан эди. У 1978 йил 24 мартда Музработ туманидаги Шабада маҳалласида туғилди. Болалигиданоқ ҳарбий соҳага қизиқиши ортиб, мақсадига эришиш йўлида қатъий интилди. Спорт билан мунтазам шуғулланди. Қатъиятли, иродали, бақувват ва соғлом бўлиб улғайди. Тумандаги 33-умумтаълим мактабини битиргач, унинг дилидаги юксак орзуси рўёбга чиқди. Зиядулла 2000 йилда Чегара қўшинларига қарашли ҳарбий қисмда хизмат фаолиятини бошлади. Берилган топшириқларни ҳар доим аъло даражада бажариб келарди. Ҳар қандай шароитда хизмат бурчини ҳақиқий ҳарбийларга хос темир интизом, матонат билан адо этиб, бошқаларга ибрат бўлди.

айни навқирон ёшида бу ёруғ оламни тарк этди.

– Биз ўстирган фарзанд она юрт тинчлиги, осойишталиги йўлида жасорат кўрсатиб, вафотидан кейин «Жасорат» медалини олди. Мард ўғлон тарбия қилганимиздан, унга тўғри таълим-тарбия бера олганимиздан фахрланамиз, – дейди қаҳрамонни оқ ювиб, оқ тараган онаси Нуржамол ая.

Қаҳрамонлик, бурч ва фидойилик. Музработлик мард йигит ҳақида гап кетганда ана шу сўзлар тилга олинади. «Аввал Ватан, кейин жон» деган аҳдига содиқ қолган ДХХ Чегара қўшинлари ҳарбий хизматчиси сержант Зиядулла Қўлдошевнинг номи ҳамиша қалблар тўрида, юраклар ардоғида яшайверади. Зеро, бу юртда инсон қадрли боқий, хотираси муқаддасдир!

**Марзия АМОНОВА,
Музработ тумани
46-мактаб ўқитувчиси**

МОДДИЙ ВА МАЪНАВИЙ КЎМАК

Навоий вилояти Жамоатчилик кенгаши аъзолари мустақиллигимизнинг 30 йиллиги олдида «Ватан фидойи фарзандларини унутмайди!» шиори остида юрт тинчлиги йўлида мардлик кўрсатиб, хизмат бурчини бажариш вақтида ҳалок бўлган навоийлик марҳум ҳарбий хизматчи Шерали Идиевнинг оила аъзоларидан хабар олиш мақсадида унинг хонадонига ташриф уюштирди.

Ташрифга вилоят Жамоатчилик кенгаши аъзолари – вилоят Ёзувчилар уюшмаси раиси Б. Садриддинов, Мудофаа ишлари бошқармаси жамоатчилик кенгаши мутахассиси Ф. Жўраев, Сафарбарлик қақуруви резерви батальони командири подполковник Б. Ташпўлатов, Мудофаа ишлари бошқармаси алоқа бўлими бошлиғи майор Ж. Калимбетов, Ўзбекистон мудофаасига қўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти кенгаши раиси ўринбосари Д. Ражабова, фахрий пенсионер Н. Камолов, катта лейтенант Б. Парманов, Ў. Мустафаев, сафарбарлик қақуруви резерви аскарлари ва ўқувчи-ёшлар иштирок этди. Шерали Идиев 1982 йил Қизилтепа тумани Арабон қишлоғида туғилган. Муддатли ҳарбий хизматни ўтагач, контракт бўйича ҳарбий хизматни Навоий шаҳридаги ҳарбий қисмда механик радиотелефонист вазифасида бошлади. 2015 йилда хизмат вазифасини бажариш вақтида ҳалок бўлди.

Мудофаа ишлари бошқармаси бошчилигидаги Жамоатчилик кенгаши аъзолари ва фахрийлар кичик сержант Ш. Идиевнинг рафиқаси Назокат Нурова, уларнинг фарзандлари – Нилуфар ва Шарифжонлардан доимо хабар олиб, моддий ва маънавий ғамхўрлик кўрсатиб келмоқда.

**Ф. ЖЎРАЕВ,
Навоий вилояти мудофаа ишлари бошқармаси
жамоатчилик кенгаши минтақавий ишчи органи
етакчи мутахассиси**

"Adiblar xiyoboni" da

КИТОБХОНЛИК ҲАҚИДА СУҲБАТ

Мудофаа вазирлиги Тоифаланган объектларни қўриқлаш қўшинлари қўмондонлигига қарашли ҳарбий қисм ҳарбий хизматчилари ва уларнинг оила аъзолари учун «Адиблар хиёбони» да маданий-маърифий тадбир ташкил этилди.



Мустақиллигимизнинг 30 йиллигига бағишлаб, «Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик» шиори остида ўтказилган тадбир «Мен ўттизта китоб ўқийман» акцияси доирасида бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоира Наргиза Асадова, Ёшлар иттифоқининг фаол ёшлари иштирок этди.

Сўлим ва кўркам хиёбон бағрида кечган суҳбатда айна пайтда юртимизда олиб борилаётган кенг қамровли ишлар, ислохотлар, китобхонликка қаратилаётган эътибор хусусида фикр билдирилди. Хусусан, ўзбек адабиёти даргалари Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Ўткир Ҳошимов сингари шоир ва ёзувчиларимизнинг юбилей саналари муносабати билан уларнинг ижодидоғи умуминсоний ғоялар ҳақида фикр алмашилди.

Тадбир якунида ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари учун «Адиблар хиёбони» да экскурсия ташкил этилди.

**Тоифаланган объектларни қўриқлаш
қўшинлари қўмондонлиги матбуот хизмати**

ШЕРДОР

(Охири. Боши газетанинг ўтган сонларида)



Баҳодирлар йўли

Ялангтўшбийнинг сиёсий майдондаги фаол иштироки аштархонли Имомқулихон, Надр Мухаммадхон ва Абдулазизхон даврларига тўғри келади. Имомқулихон ҳокимият тепасига келган заҳоти (1611 йил) яна тартибсизликлар гирдобидида қолган мамлакатда тинчлик ўрнатиш, тобора пароканда бўлиб бораётган давлатни мустаҳкамлашга киришиб кетади.

Бу курашда Надр Мирзо девонбеги, Шукурбий сарой, Давлатбий кенасига, Ялангтўшбий Баҳодир, Раҳимбек, Қутлуқ оталик, Эминбий, Суюнчбий, Лола араб, Ёвлибий, Эмин Али паҳлавон, Абулбий қушчи, Мурод ўғлон олий ҳукмдорни қўллаб-қувватлайди. Уларнинг барчаси жангчилар эди.

Ялангтўшбий Баҳодир 1612 йили Имомқулихон қўшинининг бир қанотини бошқаради ва қаттиқ жангдан кейин Тошкент яна марказий ҳокимиятга бўйсундирилади. Шундан сўнг олий ҳукмдор унга тез ҳаракат қилиб Туркистон ва Сайрам тарафларда мамлакат тинчлигини тинимсиз бузиб келаётган Есимхон ва бошқа қозоқ султонларини қувиб юборишни буюради. Вазифа муваффақиятли амалга оширилади. Бундай жангу жадалларда эришилган ютуқлар Ялангтўшбийни хоннинг ишончли кишига айлантиради, давлат бошқарувида нуфузини оширади.

1614 – 1620 йилларда Ялангтўшбий Ҳирот, Хуросон ва аштархонийлар давлатининг қарийб Қандаҳоргача етган жанубий ҳудудларини мустаҳкамлашда иштирок этади, тадбиркорлиги ва қаҳрамонликлари билан қўшинга ибрат бўлади.

1621 йили Имомқулихон бир неча амирларни мамлакатнинг шимолий сарҳадларида талончилик қила бошлаган қозоқ хонларидан Турсун султонни жазолаш учун юборади. Бу ҳарбий тадбирда ҳам Ялангтўшбий жонбозлик ва фидокорлик кўрсатади. Қўшинни у бошқаради ва душманни тумтарақай қилиб юборади.

Орадан бир қанча вақт ўтиб, бу ҳудудларда қозоқ Абули султон пайдо бўлиб қолади ва талончилик йўли билан 1628 йили Тошкент остоналаригача етиб келади. Имомқулихон унинг хавфини буткул бартараф қилиш учун бир неча амирлар бошчилигида қўшин юборади. Ўртада қақшатқич жанг бўлади. Абули султон бутунлай мағлуб бўлиб, Кошғар томонларга қочиб қутулади. Ушбу жанг Ялангтўшбий кўрсатмалари асосида олиб борилади. Бу соҳада у энди мукамал тажриба орттирган ҳарбий бошлиқ ва албатта, тўғма жангчи эди.

Сайрам томонларда яна нотинчликлар бошланади, қозоқ қабилалари тажовузи кучайиб боради. Имомқулихон 1636 йили яна мамлакат шимолий ҳудудларига қўшин юборади. Одатдагидек, бу юришда ҳам Ялангтўшбий бош қаҳрамонлардан бири эди. Имомқулихон қўшини бу гал тажовузкор қозоқ қабилаларини Қипчоқ дашти ичкарасигача қувиб юборади.

XVII аср ўрталарида Мўғулистон томонларда жунғорлар ҳокимияти кучаяди. Улар Шарқий Туркистоннинг Еттисув вилоятларини ҳам босиб олади ва ҳарбий ҳаракатларини мағриб томон давом эттириб, 1640 йилларга қадар Қоратовнинг ғарбий этакларигача етиб келади. Бу пайтларда шимолий чегаралари Еттисув вилояти бўлган Ёрканд давлати ҳам ички низолар туфайли мураккаб сиёсий вазиятни бошдан кечириётганди.

Ялангтўшбий БАҲОДИР ОРЗУСИ

Жунғорлар босқинларига аштархонийлар бир неча марта қаттиқ зарба беради. Улар билан бўлган жангларда Ялангтўшбий мунтазам қатнашади ва бу баҳодир жангчи Турон қўшини ғалабасига буюк хисса қўшади.

Ялангтўшбий Баҳодир 1647 йилларга қадар шарафли жанговар йўлни босиб ўтади. 1646 йили Шарқий Хуросон, Ҳирот ва Балх музофотлари Надр Мухаммадхоннинг нуқсонли сиёсати туфайли қисқа фурсат бобурий ҳукмдорлар тасарруфига ўтиб қолади. Абдулазизхон ибн Надр Мухаммадхон бу жойларни қайтариб олиш учун қўшин йиғишга фармон беради. Кўпчилик амирлар ва Ялангтўшбий бу олий фармонни қабул қилган заҳоти ҳар бир дамни ғанимат билиб, ишга киришади ва 100 минг жангчидан иборат қудратли лашкар тўпланади. Турон қўшини хинднинг буюк ҳукмдори машҳур Шоҳ Жаҳон аскарлари билан бўлиб ўтган савашда ғалаба қозониб, ёғий босиб олган музофотларни қайтариб олади.

Бу пайтларда Ялангтўшбий улуғ ёшга етиб қолганди. У бир умр элу юрт қўриқчилари яловбардорларидан бири бўлиб, баҳодирлар йўлидан юрди ва шу ном билан шарафланди. Уша пайтларда улар кўпчилик эди.

Ялангтўш Баҳодирнинг сўнгги манзили

Ҳаётда барча нарсанинг бошланиши ва якуни бор. Бу тадқиқотда Ялангтўшбий Баҳодир таржимаи ҳоли ва мадрасаларига тааллуқли ҳодисаларда уларнинг иккисини ҳам топиб бўлмади. Бироқ топишганларини ҳам ҳикоя қилишга улгурмадик. Бу иш яқинлашишга уриниш бўлди.

Комилхон Каттаев Ялангтўшбий Баҳодир 1656 йили оламни тарк этгач, Даҳбед қабристонига дафн этилгани ҳақида ёзади. Мазкур рақам қабр тошидаги битиклардан олинган бўлса керак, албатта. У ҳижрийда 1066 – 1067 йилларга тўғри келади.



Ялангтўшбий умрининг кўп қисмини Самарқандда ўтказди, шу вилоятда ҳокимлик қилди. Юрт ободлиги ва эл маъмурлиги учун хизмат қилишдан толмади. Аксинча ҳузур қилди. Даҳбедда қурдирган хонақоҳи равоғидаги битиклар орасида «Ошиқлар дили ҳузур қиладиган жойдир бу» (Ба дили ошиқон жойи ҳузур аст) сатри хануз шундан хабар бериб турибди.

Ялангтўшбий иморатлари, улардаги нақшлар, сатрлар, тасвирлар у илм ва тариқат аҳли, фозиллар, дарвешлар, ҳақ ошиқлари билан дўст бўлгани ҳамда улар оламида ҳам яшаганини ҳикоя қилади. Уша даврда фаолият юритган нақшбандия тариқати улуғларидан Хожа Ҳошим ибн Мухаммад Амин ибн Хожаги Аҳмад Косоний Даҳбедий Самарқандда машҳур эди. Ялангтўшбий унинг ҳалқасига қўшилади ва нақшбандия тариқатидан сабоқ олади, узок йиллар ҳақ ошиқларига хизмат қилади. Носириддин Ҳусайнийнинг маълумот беришича, Хожа Ҳошим ҳижрий 1045 йили раби ул-аввал ойининг бешинчи куни (1635 йил 19 август) вафот этади ва Даҳбед қабристонига қўйилади. Орадан 21 йил ўтиб, Ялангтўшбий устози ёнидан мангуға жой олади. Кейинчалик қизлари Иқлимабону ва Ойбиби ҳам шу масканга дафн этилади.

XIX аср ўрталарида, руслар босқинига қадар бу файз осор остона обод ва зиёратчилар талпинган жой бўлган. Абу Тоҳирхожа ёзади: «Ялангтўш Баҳодирнинг қабри Маҳдуми Аъзамнинг оёғи остида, суфа устида, мазор деворининг ичидадир. Ул ҳазрат мазорининг атрофидаги ихота қилинган иморат ва дарвозасига солинган равоқ, Даҳбед хиёбони ва тутзори Мухаммад Надр девонбеги арлот томонидан барпо этилган».

Тўртта рус взводи ва Регистон миноралари

Бу воқеани Самарқандда кўп илмий тадқиқотлар олиб борган академик Массон ҳикоя қилган...

Нарироқда, кичикроқ амалдорлар орасида, Вяткиннинг шогирди – гимназия ўқувчиси ҳам бор. Губернатор ёдгорликларни кўрсатишда анча тажрибали гид бўлиб қолган бу гимназиячини махсус чақиртирибди. Бу ёш йигит обидалар ҳақида тўлиб-тошиб, мукамал гапиради. Самарқанд осори атиқалари унинг қон-қонига сингиб кетгани кўриниб турибди. Унинг гаплари баъзан эркак ва аёл меҳмонларнинг қизиқишини орттириб юборарди. Гул тақилган шляпали жувонлар унга эргашиб, Шердор мадрасасининг чанг босган, ўргимчаклар уя қурган зиналаридан томига чиқдилар. Ям-яшил дарахтларга ғарқ бўлган шаҳар кафта тургандек кўринарди.

Таништирув саёҳати тугаётгани ҳақида хабар беришди. Регистоннинг ҳар-ҳар ерида айланиб юрган аёнлар Самсонов турган ерга кела бошлади. В.Л. Вяткин қулай фурсатни қўлдан бермай, деб ўйлаб, босиқлик билан гап бошлади:

– Бухоро амирининг 80-йилларда Қизил Ярим ой эҳтиёжлари учун ажратган маблағи аллақачон масжид-мадрасалар таъмирига сарфланиб бўлган. Ёдгорликларни фақат вақф пулларига асраб бўлмайди. Томлари илма-тешик бўлиб кетган, шу сабабли биноларнинг қулаб кетиш хавфи бор. Давлат хазинасидан унча-мунча маблағ ажратилса, ёмон бўлмасди. Самарқанд осори атиқаларини асраш ва таъмирлаш учун қани энди вилоят ихтиёридаги сармоёлардан сарфланса.

– Менимча, Василий Лаврентьевич, бунинг сира ҳожати йўқ, – деди тўсатдан генерал-губернатор йўғон товуш билан. – Буларнинг ҳаммаси қанчалик тез бузилиб кетса, – у қўли билан Регистонни кўрсатди, – рус усули идораси учун шунча яхши.

В.Л. Вяткин уялгандан нафаси ичига тушиб кетди. Генерал-губернаторнинг адъютанти Туркистон ўлкаси ҳукмдори оғзидан чиққан сўзни эшитиб, шарафлади-да, новча қаддини букиб, ҳукмдорнинг фикрини давом эттирди:

– Жаноби олийлари, каминангизнинг назарида тўпчиларнинг тўртта взводини тўрт томонга қўйиб, мана шу харобаларни тўпга тутиш керак.

Самсонов атрофдагиларга тунд назар ташлаб, адъютантнинг луқмасини маъқуллагандек, унга қараб жилмайиб қўйди. Хўжайинига маъқул келадиган гап айтилганидан хурсанд бўлган аёнлардан бир нечаси ҳиринглаб кулди. Ранги оқариб кетган қора соқолли археология ишқибози ўртага отилиб чиқмоқчи бўлган шогирди – гимназия ўқувчисининг қўлидан ушлаб турарди.

Қуёш ботиб кетди. Улуғбек ва Шердор мадрасаларининг баланд пештоқлари тепасидаги қия деворларга уя қўйган узунқанот қушлар ва қалдирғочлар чириллаб Регистон осмонида уча бошлади. Генерал-губернаторнинг карвони аввалги тартиб билан Абрамов хиёбони томон юрди. Бу ерда губернаторнинг катта ҳовузли боғида зиёфатга тайёргарлик кўрилатган эди.

Интиҳосиз воқеалар

Турон ўлкаси бу каби сўзлаб, тугатиб бўлмайдиган воқеаларга тўлиб-тошиб ётибди. Шу сабабдан улар тўғрисида турли ҳикояларга дуч келаверасан. Аслида уларнинг аниқ ибтидоси ва интиҳоси бор. Фақат биз узок вақт уларсиз дунёларга кетиб қолгандик. Ибтидо ва интиҳони биз йўқотиб қўйганмиз. Бир кун келиб, Шердор мадрасаси замонавий талаблар асосида яна олий ўқув юрти (Шердор университети) бўлиб иш бошласа, Ялангтўшбий Самарқандда бунёд этишга уринган мукамал маърифий манзара барчанинг кўз ўнгида бутун борлиги билан намоён бўлади.

Абдусаттор ЖУМАНАЗАР,
ЎзРФА Шарқшунослик институти
катта илмий ходими

MUDOFAAGA KO'MAKLASHUVCHI "VATANPARVAR" TASHKILOTLARIDA

ТАЖРИБАЛИ МУТАХАССИСЛАР САБОҚ БЕРИШМОҚДА



Мамлакатимизда автотранспорт воситаларини ишлаб чиқариш ҳамда улар хизматидан фойдаланиш, ҳайдовчиликка ҳавас ортишига сабаб бўлмоқда. Шу боис ҳайдовчилар тайёрлаш борасида кўплаб автомобиль мактаблари фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистон Республикаси мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Сирдарё вилояти кенгаши тасарруфидаги Сардоба тумани ўқув-спорт техника клубида ҳам халқ хўжалигининг турли тармоқлари учун малакали ҳайдовчилар тайёрланмоқда.

Мамлакатимизда автотранспорт воситаларини ишлаб чиқариш ҳамда улар хизматидан фойдаланиш, ҳайдовчиликка ҳавас ортишига сабаб бўлмоқда. Шу боис ҳайдовчилар тайёрлаш борасида кўплаб автомобиль мактаблари фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистон Республикаси мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Сирдарё вилояти кенгаши тасарруфидаги Сардоба тумани ўқув-спорт техника клубида ҳам халқ хўжалигининг турли тармоқлари учун малакали ҳайдовчилар тайёрланмоқда.

Бугунги кунга келиб, ушбу масканда тажрибали, ўз касбининг усталари бўлмиш мутахассислар бўлажак ҳайдовчиларга автомобилларнинг тузилиши ва улардан фойдаланиш борасида пухта билим эгаллашлари учун атрафлича сабоқ беришмоқда. – Жорий йилнинг ўтган ойлари мобайнида 400 нафарга яқин «В», «ВС» тоифали ҳайдовчилар тайёрланди, – дейди ўқув-спорт техника клуби бошлиғи Шерзод Назаров. – Шу кунларда ҳам бир нечта гуруҳларда ўқув машғулотлари давом эттирилмоқда. Бўлажак ҳайдовчиларнинг малакасини оширишда, назарий билимларини амалий жиҳатдан синаб кўришда мавжуд автотранспорт воситаларининг техник жиҳатдан соз, яроқли ҳолда бўлишига доимий эътибор берилмоқда. Чунки бу техника воситалари иш ривожини таъминлашда муҳим омиллардан бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Ташкилотнинг яна бир муҳим йўналишларидан бири ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, улар ўртасида спортнинг техник ва амалий турларини ривожлантириш борасида ҳам бир қанча ишлар амалга оширилмоқда. Айни пайтда клуб аъзолари спортнинг ҳаво милтиғидан ўқ отиш, дуатлон ҳамда ёзги биатлон каби муҳим турлари билан шуғулланиб келишмоқда. Шу йил бошидан ҳозирга қадар

19 мартаба турли спорт мусобақалари ўтказилди. Бундан ташқари, ташкилотда бошқа маънавий ва маърифий тадбирлар ҳам уюшқоқлик билан ташкил этилмоқда.

Кези келганда, таъкидлаб ўтиш жоизки, Сардобада ҳам туман ёшларини меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касбларга ўқитиш ишларига катта аҳамият берилмоқда. Бунга кўра, 1-босқичда «Ёшлар дафтари»га киритилган 25 нафар ёш «ВС» тоифали ҳайдовчилик курсларида таълим олмоқда. Эндиликда, яъни 2-босқичда «Техник хизмат кўрсатиш мутахассисларини тайёрлаш курслари» ҳам ташкил этилиб, унда ҳам 25 нафардан иборат ёш газ-электр пайвандчи ҳамда вулканизаторчи мутахассисликлари бўйича ўқитилиши йўлга қўйилди. Бунинг учун керакли ўқув ва лаборатория хоналари ташкил этилган.

Акбар АЛИ



Фурсатдан фойдаланиб, Сардоба тумани ўқув-спорт техника клуби жамоаси туманда истиқомат қилаётган барча ёшларни «В», «ВС» тоифали ҳайдовчилик курсларига, шунингдек, спортнинг техник ва амалий турлари – «Ҳаво милтиғидан ўқ отиш», ёзги биатлон ҳамда дуатлон каби тўғаракларида шуғулланишга таклиф этади.

Мурожаат учун манзил: Сардоба тумани «Файзли обод» маҳалла фуқаролар йиғини. Дўстлик кўчаси, 29-уй. «Ватанпарвар» ташкилоти ўқув биноси.

Телефонлар: (67) 236-10-01; (97) 278-88-32



ВОЕННАЯ НАУКА

НОВЫЕ ВОЕННЫЕ РАЗРАБОТКИ

В Индонезии началось серийное производство первой партии нового среднего танка «Харимау» («Тигр») совместной турецко-индонезийской разработки. Вклад Джакарты заключается в финансировании проекта, хотя сборка машин производится в самой Индонезии на предприятии «РТ Пиндад». Новый танк способен вести огонь стандартными 105-мм танковыми боеприпасами НАТО. Боевая масса «Харимау» от 32 до 35 тонн, экипаж три человека. На первом этапе республика намерена приобрести 44 танка данного типа, а в общей сложности планируется поставить в войска до 400 таких машин.



Военными специалистами Турции разработан новый ударный беспилотный летательный аппарат (БПЛА) «Сонгар». Он оснащен стрелковым оружием различного типа (штурмовая винтовка, пулемёт, возможно, 40-мм гранатомёт) и способен сбрасывать небольшие бомбы. Масса БПЛА почти 25 кг, дальность действия 16 км, высота полета 2,8 км. Аппарат оборудован дневной/ночной камерой, которая передаёт видеоданные в режиме реального времени. Управление осуществляется оператором с помощью специального пульта.

Новый специальный бронированный автомобиль «Камрат» разработан специалистами компании «Украинская бронетехника». В новых машинах данного типа в качестве шасси будут использоваться КраЗ-5233 с колесной формулой 4 x 4. «Камрат» будет способен перевозить до десяти человек в условиях бездорожья. Масса нового автомобиля 16,4 т, длина 7,19 м, высота 2,6 м.

Во Франции проходят морские испытания головной многоцелевой атомной подлодки (ПЛА) «Сюффрен» нового проекта «Барракуда». В 2020 году проведено тестирование систем вооружения субмарины. По предварительным планам командования ВМС страны, шесть ПЛА этого типа должны заменить устаревающие подлодки типа «Рубис», построенные в период с 1976 по 1993 год. Водоизмещение новой атомной подлодки 5 300 тонн, длина 99 метров, ресурс службы ядерного реактора 10 лет. ПЛА будут вооружаться крылатыми ракетами и тяжелыми торпедами.

Специалисты компании UAVOS (США) разработали грузовой беспилотный аппарат на основе легкого двухместного вертолета R-22 «Робинсон». По заявлению разработчиков, этот аппарат предназначен как для доставки грузов,

так и для использования в ходе поисково-спасательных и гуманитарных операций. БПЛА способен перевозить грузы массой до 180 кг, находиться в воздухе до 6 часов и развивать скорость полета до 160 км/ч. Максимальная дальность полета беспилотника составляет 1 020 км.

Разработанный специалистами компании «Рейнметалл ваффе муницьен» легкий миномёт RSG-60 предназначен для сухопутных войск и сил специальных операций бундесвера. Ствол калибром 60 мм и длиной 700 мм изготовлен из стали, а кожух ствола и опорная плита – с применением композитных материалов. Стандартная пехотная версия миномета имеет массу 15,8 кг и, в зависимости от типа боеприпаса, обеспечивает дальность стрельбы до 3 200 м. При необходимости военнослужащий может отсоединить опорную плиту, превращая RSG-60 в вариант для спецназа. В таком виде миномет имеет массу 6,8 кг, а максимальная дальность стрельбы составляет 2 000 м.

Специалисты европейской компании «Эрбас» провели первые успешные испытания нового самолета-заправщика, выполненного на базе военно-транспортного самолета C-295, по дозаправке в воздухе на скорости 185-240 км/ч. В общей сложности в ходе пяти дозаправок было перекачено 1,5 тонны топлива. По данным разработчиков, программа испытаний C-295 также включала проведение ночных полетов и сближение на скорости 390 км/ч с заправляемым

летательным аппаратом, в качестве которого выступал многоцелевой истребитель F/A-18 «Хорнет» ВВС Испании.

Противолодочный корвет под названием «Каваратти» (типа «Каморта») разработан военными специалистами Военно-морских сил Индии. По сообщениям местного издания «Экономик таймс», данный корабль способен вести боевые действия в условиях применения оружия массового поражения. Водоизмещение нового корвета 3 300 тонн, длина 109 метров, ширина 13,7 метра, скорость хода 25 узлов, дальность плавания 3 450 миль при экономической скорости 18 узлов. Экипаж корабля 123 человека, в том числе 17 офицеров.

В КНДР продолжают испытания новой реактивной системы залпового огня (РСЗО) национальной разработки. Имеются два опытных образца данной РСЗО – на гусеничном и колесном шасси. На колесном варианте смонтированы четыре пусковых контейнера, а на гусеничном – шесть. В маневрах задействован вариант самоходной пусковой установки на шасси грузового автомобиля «Татра». На испытательных стрельбах дальность полета реактивных снарядов составила 230-250 км. Все особенности нового проекта не раскрыты, однако в западных СМИ сообщается о том, что калибр боеприпаса составляет 600 мм, длина – 8-9 м, изделие оснащено твердотопливным двигателем, в головной части имеется X-образное оперение, а хвостовая часть оснащена раскладываемыми в полете стабилизаторами. Разработка такого боеприпаса является достаточно сложной задачей, но его появление дает повышенные боевые возможности для реактивной артиллерии сухопутных войск страны.



Подготовил П. САЙДИВАЛИЕВ.

ЕВРОПА ИТТИФОҚИ ТАН ОЛМАЙДИ



«Толибон» ҳаракати Афғонистонда ҳокимиятни зўрлик билан эгаллаб олган тақдирда, Европа Иттифоқи янги ҳукуматни тан олмайди. Бу ҳақда ЕИнинг минтақадаги махсус вакили Томас Никлассон маълум қилди. «Агар толиблар ҳокимиятни ҳарбий йўл билан қўлга кирита олса, уни на Европа Иттифоқи, на аксарият минтақа давлатлари тан олмайди», деди у. Дипломатнинг сўзларига кўра, воқеаларнинг бундай ривожланиши ЕИнинг Афғонистонга ёрдам беришни тўхтатишига, бу эса мамлакат изоляциясига олиб келиши мумкин.

ОЛМОСДАН ҲАМ ҚАТТИҚ



Хитойнинг Яньшань университети олимлари олмосдан ҳам қаттиқроқ бўлган дунёдаги энг мустаҳкам шишасимон материал ишлаб чиқишди. Таъкидланишича, янги материал «мисли кўрилмаган» механик ва электрон хоссаларга эга, ўта мустаҳкамлиги ва бардошлилиги эвазига уни қуёш батареяларида қўллаш мумкин. Синовлар янги ишланманинг қаттиқлиги 113 гигапаскалга етишини кўрсатган. Ваҳоланки, дунёдаги энг қаттиқ табиий минерал ҳисобланган олмоснинг қаттиқлиги 50-70 Гпани ташкил қилади.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

ЭНГ ЯХШИ АЭРОПОРТЛАР



Дунё авиакомпаниялари ва аэропортлари баҳолаш билан шуғулланувчи Британиянинг Skytrax компанияси 2021 йил учун дунёнинг энг яхши аэропортлари рейтингини тақдим қилди. Унга кўра, 1-ўринни Қатар пойтахти Доҳадаги «Ҳамад» халқаро аэропорти эгаллаган. 2-ўридан Токиодаги «Ханеда», 3-ўридан эса Сингапурдаги «Чанги» аэропортлари жой олган. Шунингдек, дастлабки ўнликка «Инчхон» (Сеул), «Нарита» (Токио), «Мюнхен» (Германия), «Цюрих» (Швейцария), «Хитроу» (Лондон), Осакадаги «Кансай» ва Гонконг аэропортлари киритилган.

O'QUV YIG'INI

МАЛАКА ВА ТАЖРИБА МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Харб иши тарихидан маълумки, барча замонларда ҳам офицер кадрлар қўшинларнинг асосий таянч бўғини бўлиб келган. Хизмат жараёнида уларнинг зиммасига анчайин жиддий ва масъулиятли вазифалар юклангани боис, офицерлар ҳар томонлама баркамол, қатъиятли, изланувчан ва ташаббускор бўлишлари талаб этилади.

Сўнгги йилларда Қуролли Кучларимиз сафларини ана шундай интеллектуал етук, стратегик фикрлайдиган, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ҳамда илғор инновацияларни яхши ўзлаштирган, малакали офицер кадрлар билан бутлаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар натижасида миллий армиямиз сафлари кундан-кунга ёш, салоҳиятли офицерлар таркиби билан бойиб бормоқда.

Албатта, ёш офицерларнинг ҳарбий хизмат жараёнига тез ва осон мослашувига кўмаклашиш, назарий билимларини амалиётга дадил татбиқ эта олишларига эришиш, шунингдек, дунё ва минтақамизда рўй бераётган ҳарбий можаролар ҳамда замонавий жанг амалиётлари ва

миллий ҳарбий санъат тарихини чуқур ўргатган ҳолда, мунтазам равишда малакаларини ошириб бориш бугуннинг асосий талабларидан бири ҳисобланади.

Айни шу мақсадда, Сурхондарё вилоятида жойлашган Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари ўқув марказида жорий йилда олий ҳарбий таълим муассасаларини тамомлаган ёш офицерларнинг ўқув йиғини ўтказилмоқда.

Уларнинг назарий билимларини янада мустаҳкамлаш ва Чегара қўшинларида ҳарбий хизматни ўташга оид амалий кўникмаларини шакллантириш мақсадида ташкил этилган мазкур йиғин режасига кўра машғулотлар маъруза, семинар ва амалий-кўргазмали шаклларда олиб борилмоқда.

Жанговар хизмат фаолияти йўналишлари бўйича ташкил этилаётган ўқув жойларида эса кўп йиллик тажрибага эга,

малакали офицерлар томонидан иштирокчиларга чегара қўшинлари фаолиятига оид кўплаб маълумот ва тушунчалар берилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, ўтказилаётган бундай ўқув йиғинлари давомида ёш офицерлар сарҳадларимиз дахлсизлигини

таъминлашнинг ўзига хос хусусиятларини мукамал ўрганиш ва келгуси хизмат фаолиятида кенг қўллаш имконига эга бўлмоқдалар.

Капитан Фарида БОБОЖОНОВА,
ДХХ Чегара қўшинлари



MINTAQADA

«ТОЛИБОН» ЁЛГИЗ ЭМАС



Афғонистоннинг БМТдаги элчиси Фулом Исоқзоӣ БМТ Хавфсизлик кенгашининг Афғонистондаги вазиятга бағишланган махсус йиғилишида маълум қилишича, «Толибон» бу мамлакатда «бир ўзи ҳаракат қилмаяпти». Унинг сўзларига кўра, Афғонистонда «Ал-Қоида» ва ИШИД сингари 20 дан зиёд турли гуруҳларнинг ўн мингдан ортиқ жангарилари бор. «Толибон» ва трансмиллий террорчи гуруҳлар ўртасидаги алоқа бугунги кунда аввалгидан ҳам кучлироқ даражада бўлиб турибди», деб таъкидлади Исоқзоӣ.

ТУРКИСТОНГА СОВҒА СИФАТИДА



Ўзбекистон Қозоғистонда янги масжид куриб бермоқчи. Бу ҳақда Туркистон вилояти ҳокимияти расман хабар берган. Маълумотларга кўра, беш минг кишига мўлжалланган янги масжид Туркистон шаҳрига кираверишда қад ростлайди ва у Ўзбекистоннинг «Туркистонга совғаси» бўлади. Таъкидланишича, масжид лойиҳасини ишлаб чиқишда дунёнинг энг илғор тажрибалари ҳисобга олинган, унинг пойдеворини мустаҳкамлаш учун ўзига хос технология ишлаб чиқилган.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

ЎЗ ХАЛҚИДАН УЗР СЎРАДИ



Қирғизистоннинг биринчи Президенти Аскар Акаев ўз даврида йўл қўйган хатоликлари ҳамда «Қумтор» лойиҳасини амалга ошириш чоғида умидларни оқламагани учун қирғиз халқидан узр сўради, деб ёзади Tengrinews. Унинг сўзларига кўра, 1992 йилда мазкур лойиҳа бўйича битим имзолаш чоғида Қирғизистон ҳукумати томонидан Канаданинг Самесо корпорацияси турли солиқлардан ноқонуний озод этилгани, шунингдек, «Қумтор» лойиҳаси бошқарувининг Канада томонига бериб қўйилгани катта хато бўлган ва бу мамлакатнинг миллий манфаатларига катта зарар келтирган.

MUDOFAGA KO'MAKLASHUVCHI "VATANPARVAR" TASHKIOTLARIDA



БЎЛАЖАК ҲАЙДОВЧИЛАР УЧУН ҚУЛАЙ ИМКОНИЯТЛАР



Бугунги кунда юртимизда ёшлар маънавиятини юксалтириш ҳамда уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Бу каби эзгу амаллар Ўзбекистон Республикаси мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг Бухоро вилояти кенгаши тасарруфидаги Пешку тумани ўқув-спорт техника клуби фаолиятида ҳам ўз ифодасини топмоқда.

Бундай ишлар кўламини яхшилаш мақсадида ташкилот аъзолари туман мудофаа ишлари, халқ таълими, ёшлар ишлари агентлиги бўлимлари ҳамда бир қанча бошқа жамоат ва давлат ташкилотлари билан ҳамкорликда ҳарбий-ватанпарварлик тарғиботларини фаол олиб бормоқда.

– Бундан кўзланган асосий мақсад туманимиз ёшларини ватанпарварлик ва она Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш ишларини ҳозирги давр талаби асосида ташкил этишдан иборатдир, – дейди ЎСТК бошлиғи Абдулла Тўйев. – Шу боис ҳам клуб аъзолари бўлган ёшлар иштирокида турли кўринишдаги спорт мусобақалари ҳамда маънавий-маърифий тадбирлар мунтазам равишда ташкил этилмоқда. Албатта, бундай тадбирлар ёшларни ижтимоий, фойдали ҳамда оммавий ватанпарварлик ишларига кўпроқ жалб этишга хизмат қилади.

Шунингдек, ЎСТКда спортнинг техник ва амалий турларини ривожлантириш, турли спорт тўғараклари ишини йўлга қўйиш борасида ҳам бир қанча амалий ишлар қилинмоқда. Айти пайтда клуб қошида ҳаво милтиғидан ўқ отиш, картинг ва дуатлон каби спорт секциялари фаолият кўрсатмоқда. Туманимиз ёшларининг бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари ҳамда

спорт тўғаракларида шуғулланишлари учун кенг имкониятлар яратилган.

Бундан ташқари, ёшлар ва аҳоли орасида йўл-ҳаракати қоидалари борасидаги тарғибот ва ташвиқот ишлари ҳам намунали равишда ташкил этилмоқда. Бу борада туман ИИБ ЙХХ гуруҳи ходимлари билан ҳамкорликда турли тадбирлар, учрашувлар ва суҳбатлар ўтказилмоқда. Ўз навбатида бундай тадбирлар ҳар бир йўл ҳаракати иштирокчисидан йўларда белгиланган қоидаларга амал қилган ҳолда ҳаракат қилишга ундамоқда.

Шу кунларда ЎСТКда номзодлар «В», «ВС» тоифали ҳайдовчилик курсларида таълим олмақдалар. Жорий йилнинг ўтган ойлари мобайнида ташкилотда 300 нафар ҳайдовчи мутахассис тайёрланди. «Ёшлар дафтари»га киритилган 50 нафар ҳайдовчиликка номзод биринчи босқичда «ВС» тоифа бўйича ўқишмоқда. Айти пайтда иккинчи босқич ўқув курсларида ҳам машғулотлар бошлаб юборилди.

Таъкидлаш ўринлики, малакали ҳайдовчилар тайёрлаш учун ташкилот етарли ўқув-моддий базага эга. Жумладан, яқинда ЎСТКда қурилиб, фойдаланишга топширилган автодром (амалий машғулотлар майдони), замонавий ўқув автомобиллари ва бошқа мавжуд имкониятлар бўлажак ҳайдовчилар малакасини оширишга хизмат қилмоқда.

Акбар АЛЛАМУРОДОВ



МА'NAVIYAT

«ЎЗЛИК АНГЛАНГАН КУН»



Хурлик насимдан Бахраманд бўлиб яшаётган халққа улугвор байрамлар ярашади. Мана, ҳадемай энг азиз байрамимиз – мамлакатимиз мустақиллигининг 30 йиллигини нишонлаймиз.

Айни кунларда байрам муносабати билан жойларда «Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!» шиори остида турли маънавий-маърифий

тадбирлар ўтказилмоқда. Шундай тадбирлардан бири Ўзбекистон халқаро ислом академиясида бўлиб ўтди.

«Мустақиллик – менинг назаримда» деб номланган мазкур тадбирда исломшунос олимлар ва мазкур академиянинг малака ошириш курсида таҳсил олаётган ҳарбий хизматчилар иштирок этди.

Унда сўзга чиққанлар, мустақиллик, унинг мазмун-моҳияти, халқимиз ҳаётида тутган ўрни хусусида фикр юритдилар. Шунингдек, маърузаларда истиқлол йилларида Қуролли Кучларни ислоҳ этиш борасида амалга оширилган муҳим ислохотлар ва унинг натижасида миллий армия тараққиёт сари юз буриб, мустақкам куч-қудратга эга бўлгани ва бугун у сарҳадларимиз дахлсизлиги ҳамда осойишталигимиз барқарорлигини муносиб таъминлашга қодир эканлиги, унинг сафларида эса

минг-минглаб жасур ўғлонлар хизмат қилаётгани мамнуният билан таъкидланди.

– Мустақиллик – буюк неъмат. У бизга муқаддас ва мўътабар ёруғ кунларни, эрк ва озодликни инъом этгани билан қадрли, – дейди тадбир иштирокчиси катта лейтенант Шоҳрух Тоҳиров. – Истиқлол сабаб ўзлигимизни англадик, миллий қадриятларимиз, урф-одатларимизни қайта тиклашга эришдик. Бу эса халқимизнинг, миллатимизнинг тарихий ютуғи саналади. Бу ҳақда тадбирда қимматли фикрлар айтилди. Маърузаларда ўтган йиллар мазмун-моҳиятига кўра, демократик тамойиллар ҳамда бозор иқтисодиёти асосларига таянган янги жамият, янги давлат қуриш йўлидаги асрларга тенг давр сифатида юртимиз тарихи саҳифаларига зарҳал ҳарфлар билан муҳрлангани аниқ мисоллар асосида тушунтириб берилди. Бу



қимматли маълумотлар қалбимда ғурур хиссини оширди. Мана шундай озод ва обод Ватанда яшаётганимдан, унинг тинчлиги ва осойишталигини сақлаш учун хизмат қилаётганимдан фахрландим. То танда жоним бор экан, мен она юртимга садоқат билан хизмат қилишдан асло толмайман!

**Майор
Гулнора ҲОЖИМУРОВОВА**

YUTUQLAR SARHISOBI

IJOD OLAMIDA

ОНЛАЙН УЧРАШУВ самарали ўтди



Мустақиллик туфайли мамлакатимиз ўтган давр мобайнида жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаб, миллий тикланишдан миллий юксалиш сари дадил илгарилаб бормоқда. Бугун юртимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини юксалтиришга ўз хиссасини қўшиб келаётган ёш ҳарбий хизматчиларимиз талайгина. Уларнинг ҳарбий хизматдан олдин ва хизмат давомида қўлга киритган ютуқлари барчамизни бирдек қувонтиради.

Мамлакатимиз мустақиллигининг 30 йиллиги муносабати билан Мудофаа вазирлиги Ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институтида Шарқий ҳарбий округга қарашли Фарғона «Темурбеклар мактаби» ўқувчилари ҳамда институт, ҳарбий қисм ҳарбий хизматчилари билан «Мустақиллик – менинг назаримда» мавзусида онлайн учрашув бўлиб ўтди.

Унда «Темурбеклар мактаби» ўқувчилари алоқа ҳарбий институтидаги таълим тизими, кириш имтиҳонлари ва ўқув жараёнлари ҳақида қизиқарли маълумотларга эга бўлди. Айтиш мумкинки, бу муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ёш йигитларнинг олий ҳарбий таълим олиш борасидаги қизиқишларига сабаб бўла олди.

– Алоқа ҳарбий институтида ташкил этилганига ҳали кўп бўлмаган бўлса ҳам жамоамиз юқори натижаларга эришиб келяпти, – дейди лейтенант Марат Умуров. – Хусусан, Россия Федерациясида ўтказилган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги олий ҳарбий билим юрти курсантлари ўртасида информатика йўналиши бўйича ўтказилган Халқаро олимпиадада Ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институти ҳам иштирок этиб, фахрли 2-ўринни эгаллади. Бу каби ютуқларимиз, албатта, юртимиз армиясининг халқаро майдондаги имиджини оширишга хизмат қилади.

**Шерзод ЭГАМБЕРДИЕВ,
ЎЗЖОКУ ҳарбий журналистика
йўналиши талабаси**



ОНАМ ҲАҚИДА ЁЗИЛГАН АСАР...

Улуғ байрам яқинлашмоқда. Юрт бир гўзал, шавқли ва файзли таралдув оғушида. Шу муносабат билан Қуролли Кучларимизда ҳам бир қатор маънавий-маърифий тадбирлар амалга оширилмоқда. Булар орасида «Мен ўттизта китоб ўқийман» акцияси ўзига хос.

Адиблар хиёбонида Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучларига қарашли ҳарбий қисм томонидан ташкил этилган акцияда ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари, пойтахт мактабларининг ўқувчилари иштирок этди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг ҳарбий-ватанпарварлик бўлими бош мутахассиси шоир Анвар Ботир ёшларни қандай қилиб китоб ўқишга қизиқтириш, китобларни танлаш, мутолаанинг ўғил болалар характерининг шаклланишидаги аҳамияти, мардлик, жасоратга ундовчи асарлар ҳақида керакли маслаҳатлар берди.

Мазкур тадбир ҳам бошқаларидан алоҳида ажралиб турмайди. Энг эътиборли томони, бу ерда китоблар ҳақида сўз борганидир, ҳарбий хизматчилар томонидан китобсеварларга китоблар ҳадя қилингани диққатга сазовор. Тафсилотларга берилмасдан тадбир ташкилотчиларининг фикрлари билан ўртоқлашамиз.

Майор Саминжон Жўраев:

– Акция доирасида Ватан ҳимоячилари томонидан китобхон оилаларга китоблар совға қилинади. Мен Ўткир Ҳошимовнинг «Дунёнинг ишлари» асарини севиб ўқиганман, худди менинг онам ҳақида ёзилгандек, қаршимда онамнинг қиёфалари гавдаланиб турган. Жавонимдаги энг қадрли бу китобни ёш китобхон оилага тўхфа қилдим.

Катта лейтенант Мухриддин ЭРГАШЕВ:

– Ҳар кимнинг қизиқишлари ҳар хил. Айрим



III даражали сержант Олим БЕРДИЕВ

китоблар касбинг билан уйғун келади. Ёшларимизга Ҳамдам Содиқовнинг «Амир Темур салтанатида хавфсизлик хизмати» китобини ўқишларини тавсия қиламан.

Капитан Фаррух РЎЗИЕВ:

– Болалигимдан ҳар кеч отамнинг китоб ўқиб ўтиришларига кўзларим ўрганиб қолган. Уларга тақлид қилиб кўрганман. Китоб ўқишдан зерикиб, уйқум келган. «Нега сизнинг уйқунгиз келмайди», деб сўраганимда, отам шундай жавоб берганлар: «Қизиқиб ўқиганимда уйқунгиз унутасан, китоб билан қоласан, китобни танлаб ўқиш керак». Ва ўзлари Ўткир Ҳошимовнинг «Икки эшик ораси» китобини тавсия қилдилар. Китобни ўқиб, тамом қилганимга қадар унинг қаҳрамонлари ташвиши билан яшадим, десам бўлаверади. Бу мен биринчи марта ўқиган, таассуротлари ҳеч хаёлимдан кетмайдиган қимматли асар. «Икки эшик ораси»ни китобсевар ўсмирга совға қилганимдан хурсандман.

Инобат ИБРОҲИМОВА

YODNOMA

Tundaliklar



Yozuvchi Asqad Muxtorning nafaqat asarlari, balki «Tundaliklar»i ham qalbni bedorlikka, tafakkurni faollikka chorlaydi, mavjudligimiz mohiyati, undan ko'zlangan maqsad-muddadan so'z ochadi. Ushbu durdona mushohadalar mutolaasi aziz gazetxonni teran o'y-xayollar dunyosiga yetaklashi tayin.

FIZIKADA OQIBAT

SABABGA TENG...

Odissey arvohlarni o'zi bilan suhbatlashishga ko'ndirish uchun ularga o'z qonidan berib, tiriltiradi. Yozuvchi tarixiy shaxslar haqida yozganida shunday qilishi kerak.

Kitob – boylik. Lekin sotib olingani emas, o'qilgani.

– Sizga teatr yoqadimi, kinomi? – dedi muxbir.
– Sizga odam yoqadimi yo uning soyasi? – dedi adib.
– ...Ba'zi odamlar bo'ladiki, o'zidan soyasi tuzuk, – deb hazil qildi muxbir ham. Kuldilar.

Boy bo'lish uchun ko'p narsani qurbon qilish kerak: halovat, salomatlik, goho balki vijdonni ham... yo'q, mening bunga qurbim yetmaydi, men unchalik badavlat emasman.

Shunday yillarni ko'rdikki, baxtli bo'lish uyat edi.

Fizikada oqibat sababga teng.
Axloqda ham shunday.



BIR CHIMDIM

Hazm bo'lmagan taom
uni yeganni yeydi.

Abu al-Faraj

Aql charxi

1994-yili Chikago san'at institutida sud bo'lib o'tgan. Unga 700 tomoshabin 200 dollardan chipta sotib olib kirgan. Ikkita tajribali prokuror qirol oilasi vakilini qotillikda ayblaydi. Ikkita mashhur advokat bu jinoyatni sodir etganda aqli joyida bo'lmaganini aytib, ayblanuvchining sog'lig'i tekshirilishini so'raydi. Sud baribir uni aqli joyida bo'lgan deb topib, jinoyatchiga chiqaradi. Shunda u sud qaroridan noroziligini ifoda qiladi. Bu qanday "sud" va "jinoyatchi" qay yo'sinda noroziligini bildirgan?



Javob: Bu sud sahnada namoyish etilgan bo'lib, unda Hamletning mashhur: "Tirik qolmoq yo o'lmog?" Shudir masala "iborasi yangraydi."



SHU SONNING
ELEKTRON
SHAKLI

KELGUSI SONLARDA:

Poligondagi mashg'ulotlar:
mashaqqat va zavq

Bilib qo'ygan yaxshi



Orif TOLIB

Savol:
Birinci
jahon urushi,
ikkinchi jahon
urushi kabi
birliklarning
har biri bosh
harf bilan
yoziladimi?

URUHLAR NOMI QANDAY YOZILADI?

Javob: Imlo qoidalariga ko'ra, muhim tarixiy sana va bayramlarning nomlari tarkibidagi birinchi so'z bosh harf bilan boshlanadi: Mustaqillik kuni, Xotira kuni, Ramazon hayiti, Navro'z bayrami kabi.

Urushlar nomi ham ana shu qoidaga tushadi. Ular muhim tarixiy sana hisoblanadi. Shunga ko'ra, urushlar, jang va to'qnashuvlar nomining birinchi so'zi bosh harfda yozilishi kerak. Nomlar qo'shtirnoqqa olinmaydi:

Birinchi jahon urushi, Ikkinchi jahon urushi, Rus-yapon urushi, Shimol va janub urushi (AQSH), Loy jangi, Anqara jangi.

E'tibor bering: urush va janglarning rasmiy-tarixiy nomlarigina bosh harflar bilan yoziladi. Umum qabul qilingan shakldan o'zgacha tarzda atash yoki izohlashlar kichik harflarda berilishi kerak: ruslar va yaponlar o'rtasidagi urush, xurosonliklar va movarounnahrliklar jangi kabi.

Lekin jang yoki urushga qanday nom berilgani aytilganda qo'shtirnoq ishlatiladi. Bunda odatda atalmoq, nomlamoq, nom bermoq, nom olmoq kabi so'zlar qatnashadi:

Bu jang tarixda «Loy jangi» nomi bilan shuhrat topdi.

«Rus-yapon urushi» deb atalgan bu urush haqida ma'lumotlar ko'p.

Demak:

Ikkinchi jahon urushi, Bolqon urushi, Badr jangi (to'g'ri)

Ikkinchi Jahon urushi, Ikkinchi Jahon Urushi, ikkinchi jahon urushi, Bolqon Urushi, bolqon urushi, «Bolqon» urushi, Badr jangi, «Badr» jangi (noto'g'ri).

VATANPARVAR

Muassis



O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI
MUDOFAA
VAZIRLIGI

www.mudofaa.uz

Bosh muharrir:
mayor
Ahror Ochilov

Navbatchi:
leytenant
Bobur Elmurodov

Sahifalovchilar:
Begali Eshonqulov
Dilnoza Melikuziyeva

Musahhihlar:
Zebo Sariyeva
Sayyora Meliqo'ziyeva
Sayyora Mirzayeva

Telefonlar:

kotibiyat: 71 260-36-50
buxgalteriya: 71 260-35-20
yuridik bo'lim: 71 269-88-91
faks: 71 260-32-29

ISSN 2010-5541

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqrib qilinmaydi va mualliflarga qaytarilmaydi. Mudofaa vazirligi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar departamenti – «Vatanparvar» Birlashgan tahririyatining kompyuter markazida sahifalandi.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 2008-yil 6-iyunda 0535 raqami bilan ro'yxatga olingan.

Gazetaning yetkazib berilishi uchun obunani rasmiylashtirgan tashkilot javobgar. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Buyurtma: Г-805
Hajmi: 6 bosma taboq
Bichimi: A3
Adadi: 30 011 nusxa
Bosishga topshirish vaqti: 14:00
Topshirildi: 14:30

Gazeta juma kuni chiqadi.
Gazeta 1992-yilning
24-iyunidan chiqa boshlagan.

Nashr ko'rsatkichi: 114.
Bahosi: kelishilgan narxda.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasida chop etildi. Bosmaxona manzili: Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

1 2 3 4 5 6

Manzilimiz:
100164, Toshkent, Universitet ko'chasi, 1-uy.